

# СОЛИҚ ва БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ

1994 йил январдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

№ 18 (1342) • 2020 йил 5 май

ISSN 2010-524X

## УШБУ СОҢДА

Амортизациянинг ҳисобот даврларида солиқ солинадиган фойдага таъсири қандай?

2-3-бетлар

Уяли алоқа харажатларини ҳисоблаш учун қандай ҳужжатлар тақдим этилади

5-бет

Карантин: тиббиёт асбоб-ускуналарини бепул берганда солиқ оқибатлари

6-бет

Сайёр, камерал текширув ва солиқ аудитининг солиштирма жадвали

7-8-бетлар

Солиқ имтиёзларини қўллашга доир

9-10-бетлар

Май. Солиқ тўловчининг тақвими

11-бет

Импорт: 1-усул бўйича қийматни аниқлаш масалалари

14-15-бетлар



9 Май – Хотира ва қадрлаш куни

## БУРДА НОН ТОПИШ МАШАҚҚАТИ

Иккинчи жаҳон уруши Ўзбекистон халқининг матонат ва жасорати, эътиқод ва ишончи, инсонпарварлиги, бағрикенглиги ва меҳр-окибатини яна бир қарра намоён этди. Бундай синовдан ўтганлар орасида, шубҳасизки, самарқандлик меҳнаткашлар ҳам бор эди.

«Уруш қахрамонлари ҳақида гапирар эканмиз, табаррук Она сиймоси кўз ўнгимизда намоён бўлади. Чунки эл-юрт химоясини ор-номус иши деб биладиган мард ва ботир ўғлонларни вояга етказган улуғ зот – онадир. Урушнинг барча азоб-укубатларини энг кўп тортган инсонлар ҳам муштипар оналаримиздир» дея таъкидлайди давлатимиз раҳбари.

Суронли йилларда ўзбек ўғлонлари қўлига қурол олиб жанг майдонида жасорат кўрсатган бўлса, аёллар фронт ортидаги машаққатларни гарданларида кўтаришди.

Розия бувим 1928 йил 12 май куни Самарқанд туманида туғилган. У кишининг оталари Нурмухаммад катта бобом эса Самарқанд туман ФХДЁ бўлими архиви маълумотига кўра 1894 йил туғилган<sup>1</sup>. Айтишларича, у киши замонасининг ишбилармон, зукко кишиси бўлган. Савдо-сотик ишлари билан шуғулланиб, Тожикистон, Туркменистон сингари қўшни давлатларга кўп қатнаган, у ердаги ишбилармонлар билан ҳамкорлик қилган. Илм эгаси бўлгани боис катта бобомни таниган-билганлар «Охун» деб қақирган.

Нурмухаммад бобом урушнинг дастлабки даври – 1941 йилда ҳарбий хизматга чақирилади. 1942 йил эса Иккинчи жаҳон урушига жалб қилинади. Урушда душ-



ман билан мардонавор жанг қилиб, жасорат кўрсатган. Хусусан, Днепр дарёси бўйида бўлиб ўтган жангда бобомиз биринчилардан бўлиб дарёнинг ўнг қирғоғини кесиб ўтади. Сафдошларини душман ҳужумидан ҳимоя қилади. Унинг

16-бетда

411-рақамли ҳужжат, 15-бет.

## ✓ ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

# БИЗНЕС ВА ФУҚАРОЛАР ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚЎШИМЧА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНАДИ

Президентнинг 27.04.2020 йилдаги ПФ-5986-сон Фармони билан коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тadbиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар қабул қилинди.

**Биринчидан**, 2020 йилнинг 1 апрелидан 1 октябрга қадар:

а) улар қуйидагиларга беғараз берилган тақдирда пул маблағлари ва товарлар (хизматлар)га фойда солиғини ҳисоблашда чегириладиган харажатлар сифатида қаралади, товарлар (хизматлар) эса ККСдан озод қилинади ва айланмадан олинадиган солиқ бўйича солиқ солиш объектига киритилмайди;

• «Махалла», «Саховат ва кўмак», «Ўзбекистон меҳр-шафқат ва саломатлик» фондларига, шу жумладан, уларнинг Қорақалпоғистон, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлардаги бўлинмаларига;

• ҳокимликлар томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлган жисмоний шахслар рўйхатида киритилган фуқароларга. Улар ўз навбатида юқорида келтирилган фондлар, бошқа юридик ва жисмоний шахслардан олинган бега-

раз ёрдам (пул маблағлари, товарлар ва хизматлар) қисмида ЖШДСдан озод этилади;

б) жисмоний шахслари турар жойларини жисмоний шахсларга ва коронавирус пандемияси даврида фаолияти тўхтаган тadbиркорлик субъектларига нотурар жойларни ижарага беришдан олинган даромадлари бўйича ЖШДСни фойзсиз кечиктириб тўлаш имкониятига эга бўлишлари мумкин. Кечиктириш суммаси 2021 йил 1 апрелга қадар мuddатгача тенг улушларда тўланиши лозим;

в) лизинг қорхоналари томонидан ҳисобланган ва кечиктирилган лизинг бўйича фойз даромадлари суммаси фойда солиғини ҳисоблашда кечиктириш берилган даврдаги жами даромад таркибига киритилмайди;

г) фойз харажатларини Тadbиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш Давлат жамғармаси томонидан компенсация қилиш тартиби тadbиркорлик субъектларининг амалдаги кредит шартномаларига ҳам таътиб қилинади (ВМнинг 8.09.2017 йилдаги 704-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 21-банди).

**Иккинчидан**, 2020 йилда ходимга тўланадиган, ЖШДСга тортилмайдиган моддий ёрдам суммаси МХЭКМнинг 4,22 бараваридан 7,5 бараваригача оширилади.

**Учинчидан**, текширишлар натижасида аниқланган, ортиқча тўланган пенсиялар бўйича 2020 йил 20 апрель ҳолатига пенсионерларнинг қарздорлик суммаси ҳисобдан чиқарилади.

**Тўртинчидан**, 2020 йил 1 майдан бошлаб ишловчи пенсионерларга пенсиялар тўлови тўғридан тўғри бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси томонидан амалга оширилади. Бу Давлат бюджети ҳисобидан пенсия олувчиларга, яъни Мудофаа вазирлиги, ФВВ, ДХХ, Президентнинг Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардия, ИИБ ва ДБК ҳисобида турувчи ишловчи пенсионерларга тааллуқли эмас.

**Бешинчидан**, соддалаштирилган тартибда солиқларни тўлаш бўйича фойзсиз кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) бериш мuddати 2020 йил 31 декабргача узайтирилди (3.04.2020 йилдаги ПФ-5978-сон Фармоннинг 6-банди). Ҳокимликларга кечиктирилган солиқлар суммаси келусида тўланадиган мuddатни мустақил равишда белгилашга рухсат берилди. Бироқ у 2 йилдан ошмаслиги керак.

**Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 28.04.2020 йилдан кучга кирди.**

norma.uz



# АМОРТИЗАЦИЯ ВА ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ЧЕГИРМА: ФОЙДА СОЛИГИ

Янги Солиқ кодекси нормаларини ўрганишда давом этамиз, уларнинг баъзилари ҳар хил маънони англатадигандек туюлади. Бунинг сабабларидан бири – бухгалтерия ва солиқ ҳисобида даромадлар ва харажатларни тан олишга турлича ёндашувда. Мисол учун, амортизацияни, унинг жорий ва келаси ҳисобот даврларида солиқ солинадиган фойдага таъсирини қандай ҳисобга олиш мумкин? Солиқ кодекси муаллифларидан бири, солиқ маслаҳатчиси Ирина ПОДОЛЬСКАЯнинг фикрларини чоп этамиз.

– Амортизация қилинадиган активларнинг қиймати солиқ солиш мақсадида амортизация ажратмалари ва (ёки) инвестициявий чегирмалар орқали харажатлар жумласига киритилади (СК 306-м. 3-қ.).

Инвестициявий чегирма суммаси ҳам амортизация харажати деб тан олинади (СК 308-м. 2-қ.). Бироқ бу бухгалтерия ҳисобида амортизация харажатларида ҳисобга олинмайдиган айни солиқ харажати.

Яъни фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш чоғида тегишли ҳисобот (солиқ) даврида чегирмаларга киритиладиган амортизация харажатлари ҳақида сўз бормоқда. Бундай харажатлар бухгалтерия ҳисоби қоидаларига мувофиқ (амортизацияни тенг маромли (тўғри чизиқли) ҳисоблаш усули қўлланганда) харажатларга киритиладиган амортизация суммаларига тенг бўлиши ёки улардан фарқлиниши мумкин.

Тадбиркорлик субъекти бухгалтерия ҳисобида «Асосий воситалар» 5-сон БХМСда (АВ томонидан 20.01.2004 йилда 1299-сон билан рўйхатдан ўтказилган) белгиланган амортизацияни ҳисоблаш усулларидан исталганини қўллаши мумкин. У бухгалтерия ҳисоби мақсадлари учун танланган усулни ўз ҳисоб сиёсатида кўрсатиши керак. Солиқ ҳисобида эса ойллик амортизация чекланган энг юқори суммадан юқори бўлиши мумкин эмас (паст бўлиши мумкин). Шу сабабли солиқ тўловчи солиқ ҳисоб сиёсатида фақат СК 306-моддасида кўрсатилган ставкалардан камроқ ёки уларга тенг бўлган амортизация ставкасини кўрсатиши мумкин.

Амортизация харажатлари, шу жумладан инвестициявий чегирмалар суммаларининг солиқ солинадиган фойдага таъсир кўрсатиш механизмини кўриб чиқамиз.

## 1. Активлар амортизацияси

Юқорида айтилганидек, солиқ ҳисобида амортизация СК 306-моддасида белгиланган энг юқори нормалардан ошиши мумкин эмас.

Бухгалтерия ҳисобида солиқ ҳисобида қабул қилинганга нисбатан юқорироқ амортизация ставкаси қўллansa-чи? Ёки масалан, амортизация ҳисоблашнинг жадаллаштирилган усулидан фойдаланилса-чи?

Бу ҳолда бухгалтерия ҳисобида активнинг ба-

ланс қийматини ўзгартирувчи (камайтирувчи) харажатлар юзага келади. Бироқ бунда ҳеч қандай ҳақиқатда тўланган харажатлар амалга оширилмайди, шу сабабли бундай харажатлар солиқ ҳисобида умуман акс эттирилмайди. СК 305-моддаси 10-қисмига мувофиқ «солиқ солиш мақсадларида, бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларини қўллаш чоғида активларнинг ... қиймати ўзгарганлиги муносабати билан бухгалтерия ҳисобида акс эттирилган чиқимларга харажатлар сифатида қаралмайди, бундан ҳақиқатда тўланган харажатлар мустасно».

Яъни фойда солиғини ҳисоблаш чоғида СК 306-моддаси бўйича норма доирасида амортизация чегирилади, бухгалтерия ҳисобида акс эттирилган ошган суммага эса солиқ солиш мақсадларида харажат сифатида қаралмайди. Бироқ бу сумма солиқ тўловчининг солиқ ҳисоб сиёсатида белгиланган бутун амортизация муддати мобайнида келгуси даврларда солиқ солинадиган фойдадан чегирилади. Амортизацияланадиган қиймат миқдорда бундай чегирма қилиш ҳуқуқи СК 306-моддасининг 3-қисмида белгиланган.

Шундай қилиб, амортизация:

- бухгалтерия ҳисоби мақсадлари учун ҳисоб сиёсатида қабул қилинган усулга мувофиқ бухгалтерия ҳисобида харажатларда акс эттирилади;
- амортизация қилинадиган активнинг тегишли тури учун СКда белгиланган норма доирасида солиқ ҳисобида чегириладиган харажат деб тан олинади;
- бухгалтерия ҳисобида харажатларга киритилган СКда белгиланган нормалардан ошадиган суммада жорий даврда солиқ ҳисобида харажат деб тан олинмайди. Активнинг амортизацияланадиган бутун қиймати чегирмаларга киритилмагунча келгуси даврларда чегириладиган харажатга киритилади.

Солиқ тўловчи солиқ ҳисобида СК 306-моддасида белгиланган амортизация нормаларини, масалан, асбоб-ускуналар учун – 15% қўллаши ҳам мумкин. Бироқ бухгалтерия ҳисобида бундай асбоб-ускуналарнинг хизмат муддати – 10 йилдан келиб чиқиб амортизация ҳисоблайди. Бундай вазият кўп учрайди, сабаби у бундай асбоб-ускуналарни ҳисобга олишнинг солиқ солиш билан боғлиқ жиҳатларини (фойда солиғида тежалади, бироқ мол-мулк солиғи бўйича харажатлар ошади) ва иқтисодий жиҳатларини



ҳам инobatга олади. Бу ҳолда солиқ ҳисобида амортизация қилинадиган активнинг қиймати тахминан 7 йил мобайнида, бухгалтерия ҳисобида эса 10 йил ичида чегирмаларга киритилади. Яъни сўнги 3 йил давомида солиқ фойдаси бухгалтерия фойдасидан ошади (вақт бўйича фарқланади).

**!** Ушбу материалда даромад олиш мақсадида фойдаланиладиган амортизация қилинадиган активлар билан боғлиқ харажатларни кўриб чиқаялмиз. Фақат шу ҳолда норма доирасидаги амортизация чегириладиган харажат деб тан олинади. Даромад олишга йўналтирилган фаолият билан боғлиқ бўлмаган харажатлар чегирилмайдиган харажатлар деб ҳисобланади (СК 317-м. 18-б.).

## 2. Инвестициявий чегирма

У фақат солиқ солиш мақсадларида тан олинмайдиган бирйўла амортизация харажати ҳисобланади (СК 308-м.)

Амортизация қилинадиган актив бўйича инвестициявий чегирманинг қўлланилиши қорхонанинг бухгалтерия ҳисоб сиёсатида қабул қилинган усулларга мувофиқ амортизация ҳисоблаш ва бундай актив бўйича бухгалтерия ҳисобида уни акс эттириш тартибига таъсир кўрсатмайди.

Инвестициявий чегирма куйидаги миқдорда қўлланилади:

1) янги технологик ускуналар қийматининг, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва (ёки) технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш харажатларининг ва (ёки) ахборот тизимларини яратишга доир инвестиция лойиҳалари доирасида маҳаллий ишлаб чиқаришнинг дастурий таъминотини сотиб олишга йўналтирилган маблағлар суммаларининг 10%и миқдориди;

### УШБУ СОНДА:

#### • 9 МАЙ – ХОТИРА ВА КАДРЛАШ КУНИ

– Бурда нон топиш машаққати  
1, 16-бетлар

#### • ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

– Бизнес ва фуқаролар давлат томонидан қўшимча қўллаб-қувватланади  
1-бет

#### • МЕНДА ФИКР БОР

– Амортизация ва инвестициявий чегирма: фойда солиғи бўйича

ҳисоб ва ҳисоботда қандай акс эттириш лозим

2-3-бетлар

#### • СОЛИҚ СОЛИШ

– Ҳисобдан чиқарилган кредиторлик қарзи – ҳисоботда  
– Нотураб қўчмас мулкни сотишдан ЖШДС  
– Молиявий чегирма: солиқ оқибатлари  
– Автомобиль сотиб олишда ҚҚСни ҳисобга олиш  
– Импорт товарни реализация қилиш нархи  
– Харажатларни ҳисоботда акс эттириш

– Уяли алоқадан фойдаланишни ҳужжатли расмийлаштириш

– Ипотека кредитларини сўндиришда имтиёзлар  
– Резидентлик сертификатини талаб қилинг  
– Тиббиёт ускуналарини бепул бериш: солиқ оқибатлари  
4-6-бетлар

#### • ТАДБИРКОРГА ЭСЛАТМА

– Солиқ текширувлари қандай ўтади  
7-8-бетлар

#### • БУХГАЛТЕРГА ЁРДАМ

– Солиқ имтиёзларини қандай тўғри қўллаш мумкин  
9-10-бетлар

#### • СОЛИҚЛАР ВА ЙИГИМЛАР

– Солиқ тўловчининг тақвими  
11-бет

#### • БУХГАЛТЕРГА ТАВСИЯЛАР

– Фойда солиғининг ноль даражали ставкаси қандай қўлланилади  
12-13-бетлар

#### • БОЖХОНА

– 1-усулни қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари  
– Хитойдан чой келтирилди  
14-16-бетлар

Тахририят аноним хатларга муносабат билдирмасликка ҳақли, лекин қонун ҳужжатларида белгиланган ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига кўра у ҳақдаги ахборотни учинчи шахсларга бермаслиги мумкин.

«СБХ» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда қўпайтириш, тарқатишга фақат «NORMA davriy nashrlari» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.



# БЎЙИЧА ҲИСОБ ВА ҲИСОБОТДА ҚАНДАЙ АКС ЭТТИРИШ ЛОЗИМ

2) ишлаб чиқаришни янги қурилиш шаклида кенгайтиришга, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган бинолар ва иншоотларни реконструкция қилишга йўналтириладиган маблағлар суммасининг 5% миқдориди.

Инвестициявий чегирма янги технологик ускуна ишга туширилган ёхуд модернизация қилиш, қурилиш ёки ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотларини реконструкция қилиш амалга оширилган ҳисобот (солик) даврида қўлланилади.

## 3. Тафовутларнинг бухгалтерия ҳисоби

Бухгалтерия амортизациясининг солиқ амортизациясидан ошган суммасини ҳисобга олиш учун балансдан ташқари 012-«Келгуси даврларда солиқ солинадиган базадан чиқариладиган харажатлар» счётидан фойдаланиш мумкин. Бу ҳолда солиқ ва бухгалтерия мақсадлари учун амортизация суммаларидаги тафовутларнинг келгусидаги бутун ҳисоби балансдан ташқарида амалга оширилади.

Бирок ҳисобга олишнинг бошқа варианты ҳам бор. Бундай вақтинча тафовутларни кейинга қолдирилган солиқларни ҳисобга олувчи бухгалтерия счётида ҳисобга олиш мумкин:

6240-«Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича муддати кечиктирилган мажбуриятлар» ва 7240-«Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича узоқ муддатли муддати кечиктирилган мажбуриятлар» – солиқ амортизацияси, шу жумладан инвестициявий чегирма бухгалтерия амортизациясидан ошса,

ёки  
3210-«Вақт тафовутлари бўйича муддати кечиктирилган фойда солиғи» ва 0950-«Вақт тафовутлари бўйича муддати кечиктирилган фойда солиғи» – инвестициявий чегирмани қўшган ҳолдаги солиқ солиш мақсадидаги амортизация суммаси бухгалтерия ҳисобида акс эттирилган амортизация суммасидан кам бўлса.

**!** *Инвестициявий чегирмани қўллаш солиқ солинадиган фойдадан инвестицияларнинг амортизация қийматидан ошадиган суммани айириш имконини бермайди. Чегирма инвестициялар даврида солиқ солинадиган фойдани қисқартириш имконини беради, сабаби инвестор катта харажат қилади. Бирок бу қўшимча харажат эмас, балки амортизациянинг бир қисmini келгуси даврлардан жорий вақтга ўтказиш, холос.*

Амортизация ва инвестициявий чегирма ҳисобини мисолда кўриб чиқамиз.

### МИСОЛ. Амортизация ва инвестициявий чегирма ҳисоби

2020 йил январь ойида корхона қиймати 150 000 минг сўмлик янги технологик ускуна ишга туширди. Ундан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришда фойдаланилади.

Корхона 5 йиллик тахминий хизмат муддатидан келиб чиқиб ускуна учун амортизация нормасини 20% миқдориди белгилади. Амортизация тўғри чиқиқли усулда ҳисобланади. Солиқ солиш мақсадлари учун назарда тутилган йиллик энг юқори норма – 15% (СК 306-м. 6-б.). Корхона солиқ ва бухгалтерия амортизацияси ўртасидаги тафовутни балансдан ташқари 012-счётада ҳисобга олади. Бундан ташқари, корхона ускуна қийматининг 10% миқдориди бир йўла инвестициявий чегирмани қўллашга ҳақли:  $150\,000 \times 10\% = 15\,000$  минг сўм.

Осон тушунилиши учун актив келгусида қайта баҳоланиши керак бўлмаган, унинг тугатиш қиймати 0 га тенг деб оламиз. Корхона февраль ойидан амортизация ҳисоблашни бошлайди, бухгалтерия ва солиқ ҳисобида қуйидагича акс эттиради:

Давр	Бухгалтерия ҳисоби (20%)	Солиқ ҳисоби			Жами кейинга қолдирилган
		Чегириладиган харажат (15%)	Инвестициявий чегирма (10%)	Кейинга қолдирилган харажат (012-счёт)	
2020 йил февраль – декабрь	$150\,000 \times 20\% / 12 \times 11 = 27\,500$	$150\,000 \times 15\% / 12 \times 11 = 20\,625$	$150\,000 \times 10\% = 15\,000$	$27\,500 - 20\,625 - 15\,000 = -8\,125$	-8 125
2021 йил	$150\,000 \times 20\% = 30\,000$	$150\,000 \times 15\% = 22\,500$		$30\,000 - 22\,500 = 7\,500$	$-8\,125 + 7\,500 = -625$
2022 йил	30 000	22 500		7 500	$-625 + 7\,500 = 6\,875$
2023 йил	30 000	22 500		7 500	$6\,875 + 7\,500 = 14\,375$
2024 йил	30 000	22 500		7 500	$14\,375 + 7\,500 = 21\,875$
2025 йил	$150\,000 \times 20\% / 12 = 2\,500$	22 500		$2\,500 - 22\,500 = -20\,000$	$21\,875 - 20\,000 = 1\,875$
2026 йил	-	1 875		-1 875	$1\,875 - 1\,875 = 0$
<b>Жами:</b>	<b>150 000</b>	<b>135 000</b>	<b>15 000</b>		

2020 йилда корхона қуйидагиларни акс эттиради:

- бухгалтерия ҳисобида 0230-«Машина ва асбоб-ускуналарнинг эскириши» счёти бўйича 27 500 минг сўмлик суммаси;
- чегириладиган харажат сифатида Фойда солиғи ҳисоб-китобига 2-илованинг 0106-«Асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси» сатри 3-устунида 20 625 минг сўмлик суммаси;
- бундай амортизация солиқ солинадиган фойдадан чегириладиган ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархига киритилиши керак бўлса, 2-илованинг 020-«Сотилган товарлар (хизматлар) билан боғлиқ харажатлар (таннарх)» сатрида 20 625 минг сўмлик суммаси;
- 5-илованинг 020-«Инвестициявий чегирма» сатрида ишга туширилган ускуна қиймати 150 000 минг сўми. Шунингдек ушбу сумма 5-илованинг 010-сатри қийматига автоматик равишда киритилади. 10% миқдориди инвестициявий чегирма суммаси (15 000 минг сўм) 5-илованинг 040-сатрида автоматик равишда ҳисобланади, шунингдек 5-илованинг 060-«Инвестициявий чегирманинг умумий суммаси» сатри қийматига киритилади. Бунда 5-илованинг 060-сатридаги сумма Ҳисоб-китобнинг 020-«Чегириладиган харажатлар» сатри қийматини аниқлаш чоғида автоматик равишда ҳисобга олинади;
- балансдан ташқари 012-счётада бухгалтерия ва солиқ ҳисобидаги тафовут суммаси:  $27\,500 - 20\,625 - 15\,000 = -8\,125$  минг сўми. У 2020 йилда солиқ солинадиган фойдадан инвестициявий чегирма сабабли бухгалтерия ҳисобида ҳисобланганидан ва акс эттирилганидан 8 125 минг сўм кўп чегириб қолганини аниқлади.

Шу тариқа, келтирилган мисолдаги жадвалдан кўринадики, ушбу ускунанинг амортизация харажатлари СК 306-моддаси нормаларига кўра бевоқифа амортизация харажатлари суммасини ва инвестициявий чегирма суммаси – (135 000 + 15 000) минг сўми ўз ичига олади. Яъни умуман олганда улар ускунанинг ҳақиқий қиймати – 150 000 минг сўмдан ошмайди. Бирок фойда солиғи бўйича со-

лиқ мажбуриятлари вақт бўйича турлича тақсимланади. Инвестициялар бевоқифа амалга оширилган даврда фойда солиғи бўйича солиқ мажбуриятлари келгуси даврларга нисбатан амортизацияга кўпроқ чегирини ҳисобга камаяди. Бу амортизация қилинадиган активларга инвестицияларни рағбатлантириш мақсадида давлат томонидан тақдим этиладиган ўзига хос «солиқ кредити».

## ЭЪЛОН ва РЕКЛАМА

### «ЖАВОБ БЕРАМИЗ» ИНФОКИОСКИГА ХУШ КЕЛИБСИЗ

Солиқ солиш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳуқуққа оид мавзулардаги саволларингизга электрон қўлланмалар ва газета материаллари муаллифлари жавоб берадилар.

Жавобларни [norma.uz](http://norma.uz) сайтидаги «Жавоб берамиз» эксперт хизмати электрон ахборот киоскисидан топасиз.

Саволларни қуйидагича бериш мумкин:

- ✓ аввал [norma.uz](http://norma.uz) сайтида рўйхатдан ўтиб, мурожаатни электрон кўринишида жўнатган ҳолда;
- ✓ (71) 200-00-59 бевосита алоқа телефони орқали (душанбадан жумагача соат 10.00 дан 17.00 гача).



**ORMA**

## «КИЧИК КОРХОНА ЭЛЕКТРОН БУХГАЛТЕРИ»

Ўзбек тилидаги қўлланмасини тақдим этамиз

Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1.  
Тел. (71) 200-00-90.  
E-mail: [office@norma.uz](mailto:office@norma.uz),  
web: [www.norma.uz](http://www.norma.uz)



## ҲИСОБДАН ЧИҚАРИЛГАН КРЕДИТОРЛИК ҚАРЗИ – ҲИСОБОТДА

**?** Корхонамиз умумбелгиланган солиқларни тўлайди. 2020 йил март ойида Президентнинг 5.09.2019 йилдаги ПФ-5811-сон Фармони-га мувофиқ импорт шартномалари бўйича кредиторлик қарзини ҳисобдан чиқардик.

2020 йилнинг I чораги учун фойда солиғи бўйича ҳисоботда ПФ-5811-сон Фармонга мувофиқ ҳисобдан чиқарилган кредиторлик қарзи бўйича солиқ солинадиган база қандай камайтирилади?

– Тадбиркорлик субъектларига ташқи савдо контрактлари бўйича 2017 йил 5 сентябргача юзага келган ва бошқарув органи қарорига кўра ҳисобдан чиқариладиган кредиторлик қарзлари суммасига солиқ солинамаслигига рухсат этилди (3.11.2017 йилдаги ПҚ-3351-сон қарорнинг 2-банди, 5.09.2019 йилдаги ПФ-5811-сон Фармон тахририда).

Мазкур ҳолатда солиқ солинадиган фойданинг камайтирилиши Фойда солиғи ҳисоб-китобига (3-илова, АВ томонидан 24.02.2020 йилда 3221-сон билан рўйхатдан ўтказилган) 3-илованинг 071-сатрида Президентнинг 3.11.2017 йилдаги ПҚ-3351-сон қарорининг 2-банди кўрсатилган ҳолда акс эттирилади (имтиёз коди – 7390).

## НОТУРАР КЎЧМАС МУЛКНИ СОТИШДАН ЖШДС

**?** Корхона мулкдор жисмоний шахсдан нотураар жой сотиб олган. Шартномага мувофиқ сотувчи солиқларни тўлашни ўз зиммасига олган, бироқ у бундай қилмаган. 2019 йилда шартнома тузилган ва бино қабул қилиш-топишириш далолатномаси бўйича берилган, кейин солиқлар ушлаб қолинмасдан сотувчига ҳақ тўланган (бу ҳам 2019 йилда бўлган). Бинога бўлган мулк ҳуқуқи 2020 йилда рўйхатдан ўтказилган. Корхона ЖШДС ушлаб қолиши лозим бўлганми? Мазкур ҳолатда ким жавобгар бўлади?

– 2007 йилги тахрирдаги СК бўйича ҳам, янги тахрирдаги СК бўйича ҳам корхона жисмоний шахс даромад-ни тўлаётганидан ундан ЖШДСни ушлаб қолиши шарт эди.

Кўчмас мулкни сотишдан олинган даромадлар жисмоний шахснинг мулкчи даромадлари ҳисобланади (2007 йилги тахрирдаги СК 176-м.). Мулкчи даромадлар солиқ агентига солиқ солинадиган даромадлар жумласига киритилади (2007 йилги тахрирдаги СК 184-м. 2-қ. 3-б.). СКда хусусий мулк ҳуқуқи жисмоний шахсларга тегишли бўлган мол-мулкни сотишдан олинган даромадлардан олинган ЖШДС бўйича имтиёзлар назарда тутилган, бироқ мазкур имтиёз нотураар жойларни сотишдан олинган даромадларга таъбиқ этилмайди (2007 йилги тахрирдаги СК 179-м. 11-б.).

Мол-мулкни реализация қилишдан олинган даромадлар уни реализация қилиш қиймати ҳужжатлар билан тасдиқланган харид қийматидан ошиб кетиши сифатида аниқланади. Харид қийматини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаганда, реализация қилинган мол-мулк қиймати, кўчмас мол-мулк бўйича эса – кадастр қиймати ва реализация қилиш қиймати ўртасидаги фарқ даромад деб эътироф этилади (2007 йилги тахрирдаги СК 176-м. 4-б.).

Корхонангиз харидор ва солиқ агентига сифатида ҳисобланган ЖШДС суммасини ҳақиқатда тўловни амалга ошириш чоғида сотувчи жисмоний шахснинг даромадларидан ушлаб қолиши шарт (2007 йилги тахрирдаги СК 185-м. 2-қ.). ЖШДСни тўғри ушлаб қолиши ва ўз вақтида

бюджетга тўлалиши учун жавобгарлик даромад тўлайдиган солиқ агентига сифатида корхонангизнинг зиммасида бўлади. Солиқ ушлаб қолинмаган тақдирда, солиқ агентига томонидан ушлаб қолинмаган ЖШДС суммаси ва унга боғлиқ пеня бюджетга тўлалиши шарт (2007 йилги тахрирдаги СК 185-м. 4-қ.). Шу билан бирга, корхонангизнинг мансабдор шахсига маъмурий жарима солинади.

Даромад тўлашда ЖШДС ушлаб қолинмаганлиги учун жавобгар шахс корхона томонидан локал ҳужжатлар, меҳнат шартномалари, лавозим йўриқномаларига асосан аниқланиши лозим. Қоидага кўра, бу бухгалтерия ҳисоби хизмати раҳбари бўлади. Корхонада солиқ ҳисобини юритиш мажбурияти бошқа шахс зиммасига ҳам юкланган бўлиши мумкин. Ҳар қандай ҳолатда ҳам айбдор шахснинг ички ҳужжатлар ва Меҳнат кодекси қоидаларидан келиб чиққан ҳолда аниқлашни тавсия этамиз.

Фойда (даромад) ёки солиқ солинадиган бошқа объектлар ҳисоби мавжуд эмаслиги, ёхуд бундай ҳисоб белгиланган тартиб бузилган ҳолда юритилганлиги, агар ушбу ҳаракатлар тўланадиган солиқ суммаси ёки бошқа мажбурий тўловлар камайтишига олиб келса, корхонага БҲМнинг 1 бараваридан 3 бараваригача жарима солинади (МКТКнинг 175-моддаси). Қонун ҳужжатларида солиқ ҳисоби бузилганда айбдор ҳодим қандай аниқланиши белгиланмаган. СКда қонун ёки таъсис ҳужжатларида мувофиқ солиқ тўловчининг вакили сифатида унинг номидан чиқишига ваколат берилган шахс кўрсатилган.



## МОЛИЯВИЙ ЧЕГИРМА: СОЛИҚ ОҚИБАТЛАРИ

**?** Фирма дори воситаларини улгуржи реализация қилиш билан шуғулланади. Баъзида харидорларга молиявий чегирмалар тақдим этилади – дори воситаларини сотиб олаётганларидан уларга товар намуналари бепул берилади. Молиявий чегирма фойда солиғи бўйича чегириладиган харажат ҳисобланадими?

– Молиявий чегирма деганда пул чегирмаси назарда тутилади. Харидорларга реализация қилиш бўйича айланмани амалга ошириш санасида чегирмалар (бошқа тижорат бонуслари) берган солиқ тўловчи солиқ базасини бундай чегирмалар (тижорат бонуслари) чегириб ташланган ҳолдаги нархдан (тарифдан) келиб чиққан ҳолда аниқлайди (СК 248-м. 2-қ.). Ушбу чегирма солиқ ҳисоби-га олиш мақсадларида харажатлар сифатида қаралмайди.

Чегирма харид қилиш чоғида тақдим этилмаган бўлса, тушумдан олинган даромадга тузатиш киритилади. Киритилган тузатиш киритиш, агар сийловлар бериш шартлари шартнома шартларида ёки солиқ тўловчининг нарх (тариф) сиёсатида назарда тутилган бўлса, илгари амалга оширилган товарларни (хизматларни) етказиб бериш бўйича солиқ базасини камайтиради. Бундай шартлар товарлар етказиб бериш

(хизматлар кўрсатиш) шартномасининг муайян шартларини харидор томонидан бажаришни, шу жумладан товарларнинг (хизматларнинг) муайян ҳажмини олишни ва муддатидан олдин ҳақ тўлашни назарда тутиши мумкин (СК 257-м. 1-қ.).

Чегирма дейилганда реклама акцияси доирасида товар намуналари берилишини назарда тутаётган бўлсангиз, ушбу реклама харажатлари реклама акциясини ўтказишга расмийлаштирилган тегишли ҳужжатлар мавжуд бўлганда чегириладиган харажатлар ҳисобланади. Харидорларга товарлар намуналарини бепул бериш реклама акцияси доирасига киритилмаган бўлса, уларнинг қиймати, шунингдек бепул бериш билан боғлиқ харажатлар (шу жумладан ҚҚС суммаси) СК 317-моддаси 27-бандига мувофиқ чегирилмайдиган харажатлар ҳисобланади.

## АВТОМОБИЛЬ СОТИБ ОЛИШДА ҚҚСНИ ҲИСОБГА ОЛИШ

**?** Ташкилот маъмурий мақсадларда фойдаланиш учун автомобиль сотиб олган. Маъмурий мақсадлар учун автомобиль сотиб олинганда, ҚҚС ҳисобга олинадими?

– Йўқ, корхона маъмурий мақсадлар учун фойдаланиладиган автомобилни сотиб олиш чоғида тўланган ҚҚС суммасини ҳисобга олмайди.

Солиқ тўловчи товарларни (хизматларни) сотиб олиш чоғида тўлаган ҚҚС суммалари куйидаги товарларни (хизматларни) сотиб олиш (олиб кириш) чоғида ҳам, агар бу товарларни (хизматларни) сотиб олиш амалга ошириладиган фаолият турига боғлиқ бўлмаса, ҳисобга олинмайди: енгил автомобиллар, мотоцикллар, вертолётлар, моторли қайиқлар,

самолётлар, шунингдек моторли воситаларнинг бошқа турлари ва улар учун ёқилғини (СК 267-м. 2-қ.).

Фаолият турлари Ўзбекистон Республикаси иктисодий фаолият турлари умумдавлат таснифлагичида (ИФУТ, 2-таҳр.) белгиланган. Корхонада автотранспортдан фойдаланиш фаолият тури билан боғлиқ бўлмаса, у бўйича ҚҚС ҳисобга олинмайди, балки унинг таннархига киритилади (СК 267-м. 3-қ.; АВ томонидан 20.01.2004 йилда 1299-сон билан рўйхатдан ўтказилган 5-сон БҲМСнинг 11-банди).



## ИМПОРТ ТОВАРНИ РЕАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИШ НАРХИ

**?** Корхона улгуржи савдо билан шуғулланади. Товар божхона қийматидан (товарни олиб киришда шакллантирилган ва ундан божхона ҚҚС ҳисоблаган қийматдан) паст нархда сотилганда ҚҚС ва фойда солиғи бўйича қандай оқибатлар юзага келиши мумкин?

– Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилган (импорт қилинган) товарларни реализация қилиш чоғида ҚҚС бўйича солиқ базаси ушбу товарларни олиб кириш (импорт қилиш) чоғида бюджетга ҳақиқатда туланган солиқ ҳисоблаб чиқарилган қийматдан паст бўлиши мумкин эмас (СК 248-м. 5-қ.).

Реализация қилиш қиймати импорт қилиш чоғида ҚҚС ҳисобланган божхона қийматидан паст бўлганда, корхона фарқ қилган суммага ҚҚСни қўшимча ҳисоблайди. У мазкур суммани чегириладиган харажатларга киритади, сабаби ушбу қўшимча ҳисоблаш – солиққа онд қонун ҳужжатларининг қоидаларидан келиб чиқиб амалга оширилган (СК 305-м. 4-қ. 3-б.).

2020 йилда фойда солиғи солиш мақсадларида 2019 йилдан фаркли ўларок, товар харид қий-

матидан паст нархда реализация қилинганда, фарқ суммаси бўйича даромадга тузатиш киритилмайди. Реализация қилиш қиймати ҚҚС ва акциз солиғи ҳисобга олинмаган ҳолда жами даромадга киритилади (СК 297-м.).

Битимнинг нархи товарларнинг (хизматларнинг) бозор қийматидан паст ёки юқори бўлса, солиқ органлари солиқ базасига тузатиш киритишга ҳақли. Солиқ тўловчи бундай қарор

юзасидан битимнинг нархи бозор нархларига мувофиқлигини ва солиқ тўлашдан бўйин товлашга қаратилмаганининг асосларини тақдим этиш йўли билан низолашишга ҳақли (СК 248-м. 4-қ.). 2022 йилдан бошлаб фойда солиғи бўйича солиқ базаси солиқ органлари томонидан СК 176-модасини ҳисобга олган ҳолда аниқланади.



## ХАРАЖАТЛАРНИ ҲИСОБОТДА АКС ЭТТИРИШ

**?** Корхона бир нечта: туристик хизматлар, меҳмонхона, авиакасса, ресторан соҳасида фаолият юритади. Туристлар учун жойлаштириш, овқатланиш, экскурсия, трансфер хизматлар ва бошқаларни ўз ичига олган турпакетларни ташкил этиш орқали туристик хизматлар кўрсатилади. Меҳмонхонамиз ва ресторанимизда жойлаштириш ва овқатланиш хизматлари кўрсатилади. Меҳмонхона хизматлари бўйича фойда солиғи, ер ва мол-мулк солиқларидан 5 йил муддатга озод этиш тарзидаги имтиёз мавжуд. Фойда солиғи бўйича ҳисоботни шакллантиришда туристик хизматлар (жойлаштириш ва овқатланиш) кўрсатилишига оид харажатлар қандай акс эттирилади?

– Туристик хизматлар кўрсатишга оид харажатлар Фойда солиғи ҳисоб-китобига 2-«Харажатлар» иловасининг 020-«Реализация қилинган маҳсулот (товарлар, хизматлар) таннархи» сатрида кўрсатилади (3-шова, АВ томонидан 24.02.2020 йилда 3221-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

Туристик хизматлар, шу жумладан жойлаштириш ва овқатланиш хизматларини кўрсатишга оид харажатлар кўрсатилган туристик хизматлар таннархига киритилади (ВМнинг 5.02.1999 йилдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 1-банди; Ўзбекистоннинг 119-банди, АВ томонидан 23.10.2002 йилда 1181-сон билан рўйхатдан ўтказилган 21-сон БҲМС-га 2-шова).

Туристик хизматларга тааллуқли бўлмаган бошқа хизматларни ҳам кўрсатсангиз, уларнинг таннархини ҳам аниқлаш лозим. Масалан, қуйидагиларнинг таннархи аниқланади:

• туристик хизматларингиз жумласига кирмайдиган авиачипталарни реализация қилиш бўйича воситачилик хизматлари (сиз турис-

тик хизматлар кўрсатмайдиган бошқа шахсларга авиачипталарни сотиш);

• туристик хизматларингиз жумласига кирмайдиган, реализация қилинган меҳмонхона хизматлари (туристларингиз бўлмаган бошқа шахсларга меҳмонхона хоналарини тақдим этиш);

• туристик хизматларингиз таннархига киритилмайдиган, реализация қилинган тайёр маҳсулотлари (умумий овқатланиш) (четдан ташриф буюрувчиларга ва меҳмонхонангизда турган туристларингиз жумласига кирмайдиган шахсларга умумий овқатланиш хизматларини кўрсатиш).

Таннархнинг мазкур турлари суммалари Фойда солиғи ҳисоб-китобига 2-илванинг 020-сатрида кўрсатилади. Кейин 0101-0117-сатрлар бўйича корхона қилган харажатлари батафсил расшифровка қилинади. Илованинг ушбу сатрларида харажатлар марказлари бўйича уларни (яшаш ёки овқатланиш харажатларини) гуруҳларга ажратиш назарда тутилмаган. Харажатлар турига қараб гуруҳларга ажратилади: иш хақи, хом ашё ва материалларга доир ва бошқа харажатлар.



## УЯЛИ АЛОҚАДАН ФЙДАЛАНИШНИ ҲУЖЖАТЛИ РАСМИЙЛАШТИРИШ

**?** Чет эл компанияси ваколатхонаси юзага келган вазият (ўзини ўзи яққалаш) сабабли уяли алоқа хизматларини кўрсатишга шартнома тузишга улгурмади. Бош офис тақдим этилган чекларга мувофиқ ходимларнинг уяли алоқа хизматларини қоплашга рухсат берди.

Уяли алоқа харажатларини ҳисоблаш учун қандай ҳужжатлар тақдим этилиши лозим, ушбу харажатларни қоплаш учун қонун ҳужжатларида белгиланган лимитлар мавжудми?

– Уяли алоқа ҳақини тўлашга оид харажатларни ходимларнинг меҳнат шароитларини таъминлаш билан боғлиқ корхона харажатларига киритиш учун белгиланган тартибга риоя этилиши керак. Харажатлар асосланган ва ҳужжатлар билан тасдиқланган бўлиши лозим (СК 305-м. 2-қ.).

Ходимларни масофавий ишлашга ўтказиш тўғрисидаги ҳужжатларни расмийлаштиришингиз лозим.

Масофавий ишлашда хизмат мажбуриятларини бажаришда мобиль уяли алоқа зарур бўладиган ходимлар рўйхати ва лавозимлари кўрсатилган буйруқ чиқарилиши лозим.

Ушбу буйруқда ҳар бир фаолият бўйича уяли алоқадан фойдаланишнинг муайян лимитини (катъий микдорда компенсация) ёки иш соатларида ҳақиқий харажатлар бўйича компенсация ёхуд ваколатхонангиз ва ходимларингиз учун мувофиқ келадиган бошқа усулда ҳисобланган компенсацияни белгилашни тавсия этамиз.

Қонун ҳужжатларида мобиль алоқани қоплаш лимитлари белгиланмаган. Ҳар бир корхона ҳар бир ходимнинг хизмат мақсадларида мобиль алоқага бўлган талабидан келиб чиққан ҳолда мустақил равишда белгилайди.

Мобиль алоқа учун компенсация корхона томонидан белгиланган лимитдан ошиб кетса, бундай компенсация ЖШДС солинадиган ходимнинг моддий наф тарзидаги даромади деб эътироф этилиши хатарли юзага келади.

Шунингдек буйруқда ходимларнинг хизмат мақсадларида уяли телефонлардан фойдаланиш учун ижара ҳақи суммасини ҳам кўрсатишни тавсия этамиз.

Ўзини ўзи яққалаш (карантин) тугагандан сўнг компенсация бўйича ҳисоб-китоб қилиш учун ходимлардан уяли алоқа хизматларини, шу жумладан электрон тўловларни тасдиқловчи ҳужжатларни олиш лозим.

Юқорида санаб ўтилган ҳужжатлар мавжуд бўлганда, корхонангиз уяли алоқа учун компенсацияни ходимнинг даромади деб эътироф этиш бўйича солиқ хатарларини камайтиради.

Замира ЖўРАЕВА, «Norma» МЧЖ эксперти.





## ИПОТЕКА КРЕДИТЛАРИНИ СЎНДИРИШДА ИМТИЁЗЛАР

**?** Корхона 2007 йилги тахрирдаги СК 179-моддаси 30-бандига мувофиқ ЖШДС бўйича имтиёзларни қўлаган ҳолда ходимларининг иш ҳақидан ушланмаларни амалга оширади. Янги тахрирдаги СК 378-моддаси 16-бандига ЖШДС бўйича имтиёзларни қўллаш учун аниқ шартлар қайд этилган. 2007 йилги тахрирдаги СК 179-моддаси 30-бандига белгиланган ЖШДС бўйича имтиёз 2020 йил 1 апрелдан кейин амал қиладими?

– Йўқ, 2020 йил 1 апрелдан бошлаб ушбу имтиёз амал қилмайди. Урнинг кредит ва фонсларни сўндиришга йўналтирилган даромад суммаларига белгиланган мезонларга бир йўла риоя этилганда бериладиган имтиёз назарда тутилган (янги тахрирдаги СК 378-м. 16-б.).

• солиқ даври давомида жами 15 млн сўмгача бўлган миқдорга имтиёз қўлланилади;

• яқка тартибдаги уй-жойнинг ёки кўп қаватли уйдаги хонадоннинг қиймати 300 млн сўмдан ошмаса;

• кўчмас мулк дастлабки бадалнинг ва (ёки) ипотека кредити бўйича фонсларнинг бир қисмини қоплаш учун бюджетдан ажратилган субсидияларни ҳисобга олган ҳолда олинган бўлса.

Мазкур имтиёз қарз олувчига ва бирга қарз олувчиларга, имтиёз олиш ҳуқуқига эга бўлган барча солиқ тўловчиларга берилган, солиқ солиниши лозим бўлган даромадларни камайтириш суммаси солиқ даври давомида жами 15 млн сўмдан ошмаган тақдирда, татбиқ этилади.

## РЕЗИДЕНТЛИК СЕРТИФИКАТИНИ ТАЛАБ ҚИЛИНГ

**?** Товар белгисини ишлаб чиқиш бўйича хизматлар Россия компанияси томонидан Россия Федерацияси ҳудудида кўрсатиладими.

Мазкур ҳолатда норезидентнинг даромадларидан тўлов манбаида фойда солиғи ушлаб қолинадими?

– Товар белгиси – юридик ва жисмоний шахсларнинг товарлари ва хизматларини бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг ўхшаш товарлари ва хизматларидан фарқлаш учун хизмат қиладиган, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган белгилар. Исталган рангда ёки ранглар уйғунлигида берилган тасвир туширилган, сўзлар билан ифодаланган, ҳажмдор ва бошқа белгилар ҳамда уларнинг комбинациялари товар белгилари бўлиши мумкин («Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товарларнинг келиб чиқиш жойлари номлари тўғрисида»ги Қонуннинг 3-моддаси).

Яъни товар белгисини ишлаб чиқиш бўйича хизматлар дейилганда матнлар, рамзлар, тасвирлар ва бошқалардан фойдаланган ҳолда эскиз (дизайн) тайёрлаш тушунилади. Ушбу эскиз фақат расмий рўйхатдан ўтказилганидан кейин товар белгиси мақомини олади.

Фикримизча, норезидентнинг товар белгиси эскизини тайёрлашдан олган даромадлари бошқарувга оид, техник ёки маслаҳат хусусиятига эга хизматлар учун тўлов сифатида белгиланган техник хизматлардан олинган даромадлар сифатида таснифланса, уларга тўлов манбаида

фойда солиғи солинади (СК 351-м. 2-қ. 17-б.).

Россия Федерацияси Ҳукумати ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ўртасида Даромадлар ва мулкка иккиёқлама солиш солмаслик тўғрисида битим тузилган (Москва, 2.03.1994 й., ЎзР ОКнинг 6.05.1994 йилдаги 1075-ХII-сон қарори билан ратификация қилинган, 27.07.1995 йилдан кучга кирган).

Битимнинг 7-моддасига мувофиқ бирон ахдлашаётган давлатда бошқа ахдлашаётган давлат корхонаси олган фойда бўлиб, у ўша ерда жойлашган доимий ваколатхона орқали олинган тақдирда, шу доимий ваколатхонага тегишли қисми биринчи эслатиб ўтилган давлат солиғи билан солиққа тортилади.

Чет эллик ҳамкорингиз Ўзбекистонда доимий муассасага эга бўлмаса ва сизга Россия Федерацияси резидентлиги сертификатини тақдим этса, корхонангиз даромад тўлови манбаи сифатида унга фойда солиғини солмайди (СК 357, 358-м.).

Бундай сертификат мавжуд бўлмаганда, норезидентнинг даромадларидан 20%лик ставкада фойда солиғи ушлаб қолинади (СК 353-м. 6-б.).

## ТИББИЁТ УСКУНАЛАРИНИ БЕПУЛ БЕРИШ: СОЛИҚ ОҚИБАТЛАРИ

**?** Ташиқлот умумбелгиланган солиқларни тўловчи ҳисобланади, асосий фаолият тури – тиббиёт асбоб-ускуналари билан улгуржи савдо қилиш. У Солиққни сақлаш жамғармасига тиббиёт асбоб-ускуналарини бепул фойдаланишига бермоқчи. Карантин даврида ташиқлот тиббиёт асбоб-ускуналарини бепул фойдаланишига берганда қандай солиқларни тўлаши лозим? Бундан қандай тўғри расмийлаштириш ва ҳисобга акс эттириш мумкин?

– Тиббиёт асбоб-ускуналарини бепул фойдаланишига бериш қарз шартномаси билан расмийлаштирилади ва қабул қилиш-топшириш далолатномаси бўйича берилади (ФК 36-боб). Бунда асбоб-ускунага бўлган ҳуқуқ қарз берувчида, яъни корхонангизда сақланиб қолади.

Бухгалтерия ҳисобида асбоб-ускуна товарларни ҳисобга олувчи сўмларда ҳисобга олинган. Корхонангиз ҳисоб сисъатидан келиб чиққан ҳолда, уни асосий воситалар ёки инвентарларни ҳисобга олувчи сўмларга ўтказиш лозим.

Тегишинча:

• ёки амортизация ажратмалари ҳисобланади;

• ёки инвентарни фойдаланишига топширишда харажатлар сифатида акс эттирилади.

Шундай қилиб, корхонангиз асбоб-ускуна бепул фойдаланишига беришда бунда боғлиқ бўлган, 9430-«Бошқа операцион харажатлар» сўчетида акс эттириладиган харажатларни амалга оширади.

2020 йилдан бошлаб иктисодий жиҳатдан ўзини оқлайдиган ва ҳужжатлар билан асосланган харажатлар фойда солиғини ҳисоблашда солиқ базасидан чегириб ташланади.

Ҳар қандай харажатлар, башарти улар ҳеч бўлмаганда куйидаги шартлардан бирига мувофиқ келган тақдирда, иктисодий жиҳатдан ўзини оқлаган харажатлар деб эътироф этилади:

1) даромад олишига қаратилган фаолиятни амалга ошириш мақсадида қилинган бўлса;

2) шундай тадбиркорлик фаолиятини сақлаб туриш ёки ривожлантириш учун зарур бўлса ёхуд хизмат қилса ва харажатларнинг тадбиркорлик фаолияти билан алоқаси аниқ асосланган бўлса;

3) қонун ҳужжатларининг қондаларидан келиб чиқса (СК 305-м.).

Корхонангиз ҳозирги шароитда асбоб-ускунанинг бепул берилиши иктисодий жиҳатдан ўзини оқлашини асослаб берса, у фойда солиғини ҳисоблаб чиқаришда бундай бериш билан боғлиқ харажатларларни чегириш ҳуқуқига эга бўлади.

Ушбу қоида ҚҚСга ҳам тааллуқлидир. Товарни реализация қилишдан фарқланадиган ҳар қандай фаолият, жумладан бепул хизматлар кўрсатиш (СК 239-м.), шу жумладан солиқ тўловчининг мол-мулкни бепул фойдаланишига бериш хизматларни реализация қилиш айланмаси ҳисобланади, иктисодий жиҳатдан ўзини оқлаган деб ҳисобланган хизматларни кўрсатиш ҳолатлари бундан мустасно. Бепул фойдаланишига бериш иктисодий жиҳатдан ўзини оқламаган тақдирда, солиқ базаси ЎзР ДСҚ томонидан белгиланган тартибга мувофиқ аниқланадиган хизматларнинг бозор қийматидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Айни пайтда бундай тартиб тасдиқланмаган.

Замира Жўраева, «Норма» МЧЖ эксперти.



## СОЛИҚ ТЕКШИРУВЛАРИ ҚАНДАЙ ЎТАДИ

Президентнинг «Коронавирус пандемияси ва глобал инкироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида (19.03.2020 йилдаги ПФ-5969-сон) мувофиқ, 2021 йил 1 январга қадар тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини солиқ аудитидан ўтказиш тўхтатилган. Бу талаб жиноят ишлари доирасида ва юридик шахсни тугатиш муносабати билан солиқ аудитидан ўтказишга тааллуқли эмас.

Солиқ аудити тушунчаси бизда 2020 йил 1 январдан янги тахрирдаги Солиқ кодекси қабул қилиниши билан вужудга келди.

Солиқ аудити тўхтатилиши билан алоҳида саволлар юзга келмоқда. Масалан, бошқа турдаги

солиқ текширувлари ўтказиладими? Дейлик, карантин вақтида сайёр текширувларни (бу ҳам янги таъриф) ўтказиш қийин. Лекин карантин ўтиб кетгач, солиқ текширувларини (солиқ аудитидан ташқари) ўтказиш керак бўлади.

Янги тахрирдаги СКга мувофиқ, солиқ текширувларининг ҳар бир тури бўйича қонуности ҳужжат кўринишида алоҳида низом тасдикланиши керак, сабаби, афсуски, СКда барча тартиб-таомиллар (шунингдек текширувларга мувофиқ бўлган ҳужжатларнинг намуналари) тўлақонли акс эттирилмаган. Модомики ҳозирча бундай низомлар ва тушунтиришлар йўқ экан, «Norma» етакчи эксперти Жорилла АБДУЛЛАЕВ янги тахрирдаги Солиқ кодексига таянган ҳолда солиқ текширувларининг барча турларини битта солиштирма жадвалда жамлади.



Солиқ текширувлари солиқ тўловчилар, йиғимларни тўловчилар ва солиқ агентлари томонидан солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат қилиш мақсадида ўтказилади.

Солиқ органлари солиқ текширувларининг қуйидаги турларини ўтказиши (СК 137-м.):

- 1) камерал солиқ текшируви;
- 2) сайёр солиқ текшируви;
- 3) солиқ аудити.

Солиқ текширувлари бюджетга солиқ тушумини таъминлашнинг асосий дастакларидан бири ҳисобланади.

Солиқ тушуми ҳажмлари ва тегишлича, ижтимоий дастурларнинг бажарилиши солиқ текширувлари самарадорлигига боғлиқдир.

	Камерал солиқ текшируви (СК 138-м.)	Сайёр солиқ текшируви	Солиқ аудити
Таъриф	Камерал солиқ текшируви солиқ тўловчи (солиқ агенти) томонидан тақдим этилган солиқ ва молиявий ҳисоботни, шунингдек унинг фаолияти тўғрисида солиқ органида мавжуд бўлган бошқа ҳужжатлар ҳамда маълумотларни таҳлил қилиш асосида солиқ органи томонидан ўтказилади.  «Камерал» сўзининг ўзи корхонага бормасдан текширишни аънаъдан	Сайёр солиқ текшируви – солиқ тўловчиларнинг солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлаш соҳасидаги айрим мажбуриятларини, шунингдек солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа мажбуриятларини бажарилишини текшириш. Текширув чоғида ҳисобга олиш ҳужжатларининг, ТМҚ ва пул маблағлари ҳаракатининг, шунингдек солиқ тўловчининг фаолияти билан боғлиқ бўлган бошқа ахборотнинг таҳлили ўтказилади (СК 139-м.).  Сайёр текширув илгари амал қилган қисқа муддатли текширувлар, хронометраж кўздан кечириш, мавзули экспресс-ўрганиш ва бошқаларни ўз ичига олган	Солиқ аудити – муайян давр учун солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлашнинг тўғрилигини текшириш. Солиқ тўловчиларнинг (солиқ агентларининг) юқори даражадаги таваккалчилик тоифасига мансуб субъектларига нисбатан ўтказилади. (СК 140-м.).  Солиқ аудити илгари амал қилган солиқ тўловчининг молия-ҳўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш)ни ўз ичига олган. Таваккалчилик даражасини солиқ органлари солиқ тўловчи бўйича мавжуд бўлган барча – ички ва ташқи ахборотни таваккалчиликни таҳлил этиш асосида аниқлайди
Текширув ўтказиш учун асос	Солиқ органи раҳбарининг (раҳбари ўринбосарининг) буйруғи. Буйруқда қуйидагилар кўрсатилади: ✓ солиқ тўловчининг номи ва СТИРи; ✓ текширувчи шахсларнинг Ф.И.О. ва лавозими; ✓ ўтказиш муддатлари; ✓ текширилаётган давр; ✓ текширилаётган солиқлар ва йиғимларнинг турлари.  Солиқ тўловчиларнинг ҳисоботлари ва ҳисоб-китобларида аниқланган камчиликлар, солиқ органларида мавжуд бўлган ва четдан келадиган солиқтўловчи ахборот камерал текширув учун асос бўлиши мумкин	Солиқ органи раҳбарининг (раҳбари ўринбосарининг) буйруғи. Буйруқда қуйидагилар кўрсатилади: ✓ солиқ тўловчининг номи; ✓ текширувчи шахсларнинг Ф.И.О. ҳамда лавозими; ✓ текширувларни ўтказиш муддатлари; ✓ текширув мақсади (СК 139-м.).  Солиқ тўловчини камерал текширувдан ўтказиш натижалари, солиқ органларида мавжуд бўлган ва четдан келадиган ахборот, шунингдек жисмоний ва юридик шахсларнинг қонунбузарлик далиллари ҳақидаги мурожаатлари сайёр текширув ўтказиш учун асос бўлиши мумкин	Солиқ органи раҳбарининг (раҳбари ўринбосарининг) буйруғи. Буйруқда қуйидагилар кўрсатилади: ✓ текшириладиган солиқ тўловчининг номи ва СТИРи; ✓ текширувчи шахсларнинг Ф.И.О. ҳамда лавозими; ✓ солиқ аудитини ўтказиш муддатлари; ✓ мақсади; ✓ тасдиқланган аудитни ўтказиш дастури. Солиқ органлари солиқ аудити ўтказилиши бошланишидан камидан 30 календар кун олдин солиқ тўловчига солиқ аудити ўтказилиши тўғрисида хабарнома юборлади. Агар солиқларни тўлашдан бўйин товлаш белгилари мавжуд бўлса, солиқ органи ДСК билан келишган ҳолда солиқ тўловчининг олдиндан хабардор этмасдан солиқ аудитини бошлашга ҳақлидир (СК 140-м.). 2022 йил 1 январгача солиқ органлари ЎЗР Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилни солиқ аудити тайинланганлиги тўғрисида хабардор қилади (30.12.2019 йилдаги ЎРК-599-сон Қонуннинг 6-м.).  Таваккалчиликни таҳлил этиш, сайёр текширув натижалари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа органларнинг ахбороти, шунингдек жисмоний ва юридик шахсларнинг қонунбузарлик далиллари ҳақидаги мурожаатлари асос бўлиши мумкин. Илгари тафтишлар тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишларни мувофиқлаштириш бўйича ваколатли орган билан келишган ҳолда ўтказилган бўлса, ҳозир тегишли органни хабардор қилишнинг ўзи kiffoя
Текшириладиган давр	Даъво муддати ўтмаган солиқ даврларига нисбатан СК бўйича даъво муддати – 5 йил	Даъво муддати ўтмаган солиқ даврларига нисбатан (СК 139-м.).	Даъво қилиш муддати ўтмаган охириги солиқ аудитидан кейинги давр (СК 140-м.)
Текширувни ўтказиш жойи	Текширув солиқ тўловчи ҳисобда турган солиқ органида, корхонага бормасдан ўтказилади	Солиқ тўловчи фаолият юритадиган жой	Солиқ тўловчи фаолият юритадиган жой
Текширув объекти	Солиқ тўловчи (солиқ агенти) томонидан тақдим этилган солиқ ва молиявий ҳисобот, шунингдек унинг фаолияти тўғрисида солиқ органида мавжуд бўлган бошқа ҳужжатлар ҳамда маълумотлар	Ҳисобга олиш ҳужжатлари, ТМҚ ва пул маблағлари ҳаракати, шунингдек солиқ тўловчининг фаолияти билан боғлиқ бўлган бошқа ахборот (СК 139-м.).	Тасдиқланган солиқ аудитини ўтказиш дастурига мувофиқ солиқ тўловчининг бутун фаолияти ва барча ҳужжатлари (СК 140-м.)
Текширув ўтказишдаги чек-ловлар	Текширув буйруқка мувофиқ ўтказилади	Текширув буйруқка ва тасдиқланган дастурга мувофиқ ўтказилади	Текширув буйруқка ва тасдиқланган дастурга мувофиқ ўтказилади. Солиқ органлари солиқ тўловчининг айнан битта давр учун айнан бир хил солиқлар бўйича бир мартадан ортик солиқ аудитини ўтказишга ҳақли эмас, бундан солиқ аудитини ўтказиш чоғида солиқ органига маълум бўлмаган янги ҳолатлар аниқланган ҳоллар мустасно. Янги ҳолатлар аниқланган тақдирда солиқ органи такрорий солиқ аудитини тайинлашга ҳақли (СК 143-м.)



7-бетда

## СОЛИҚ ТЕКШИРУВЛАРИ ҚАНДАЙ ЎТАДИ

	Камерал солиқ текшируви (СК 138-м.)	Сайёр солиқ текшируви	Солиқ аудити
Текширув ўтказиш усуллари	Солиқ тўловчи (солиқ агенти) томонидан тақдим этилган солиқ ва молиявий ҳисоботни, унинг фаолияти тўғрисида солиқ органида мавжуд бўлган бошқа ҳужжатлар ҳамда маълумотларни таҳлил қилиш, ушбу маълумотларнинг солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги	Сайёр солиқ текширувларини ўтказиш чоғида солиқ органлари профилактика тадбирларини ва хронометраж кузатувларини амалга оширишга, назорат-касса техникаси ва тўлов терминаллари қўлланилишини текширишга ва солиқ назоратининг бошқа тадбирларини ўтказишга ҳақли (СК 139-м.). Текширув ҳудудлар ва биноларни, шунингдек ҳужжатлар ва буюмларни кўздан кечиришни ўз ичига олади (СК 145-м.). Текширувчилар текширилаётган шахсдан текширув учун зарур бўлган ҳужжатларни талаб қилиб олишга ҳақли (СК 146-м.). Ҳужжатлар ва буюмларни олиб қўйиш текширувчининг асосланган қарори асосида амалга оширилади (СК 148-м.). Текширувда гувоҳ (СК 149-м.), эксперт (СК 150-м.), мутахассис (СК 151-м.), таржимон (СК 152-м.) иштирок этиши мумкин	Ҳудудлар ва биноларни, шунингдек ҳужжатлар ва буюмларни кўздан кечириш амалга оширилади (СК 145-м.). Текширувчилар текширилаётган шахсдан текширув учун зарур бўлган ҳужжатларни талаб қилиб олишга ҳақли (СК 146-м.). Ҳужжатлар ва буюмларни олиб қўйиш текширувчининг асосланган қарори асосида амалга оширилади (СК 148-м.). Текширувда гувоҳ (СК 149-м.), эксперт (СК 150-м.), мутахассис (СК 151-м.), таржимон (СК 152-м.) иштирок этиши мумкин
Солиқ органининг қўшимча маълумотларни сўраб олиш имконияти	Солиқ органи солиқ тўловчидан (солиқ агентидан, учинчи шахсдан) ҳисобга олиш ҳужжатларини, тақдим этилган солиқ ҳисоботига ва ҳисобга олиш ҳужжатларига доир тушунтиришларни, шунингдек солиқ ҳамда йиғимларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш билан боғлиқ бошқа ахборотни сўраб олиши мумкин	Текширувчилар текширилаётган солиқ тўловчининг фаолиятига тааллуқли ҳужжатларга (ахборотга) эга бўлган контрагентдан ёки бошқа шахслардан ушбу ҳужжатларни (ахборотни) талаб қилиб олишга ҳақли (СК 147-м.)	Текширувчилар текширилаётган солиқ тўловчининг фаолиятига тааллуқли ҳужжатларга (ахборотга) эга бўлган контрагентдан ёки бошқа шахслардан ушбу ҳужжатларни (ахборотни) талаб қилиб олишга ҳақли (СК 147-м.)
Текширувни ўтказиш муддатлари	Солиқ органи томонидан солиқ ҳисоботига тузатишлар киритиш ҳақида талабнома юборилган сана камерал солиқ текшируви тугатилган сана ҳисобланади. Агар ўрганиш ва таҳлил қилиш якунларига кўра тафовутлар ва (ёки) хатолар аниқланмаган бўлса ҳам, у якунланган ҳисобланади.  <i>СКда камерал текширув ўтказиш муддатлари белгиланмаган. Одатда у 1-3 иш кунини давом этади</i>	Текширув 10 кундан кўп бўлмаган муддатда ўтказилади. Солиқ тўловчига ушбу текширув далолатномаси топширилган кун текширув муддатининг тугаши деб ҳисобланади (СК 139-м.).  <i>Илгари қисқа муддатли солиқ текширувини ўтказиш муддати ҳам 10 иш кундан ошмаган</i>	Солиқ аудити 30 кундан ортиқ давом этиши мумкин эмас (СК 143-м.). Солиқ аудитини ўтказиш муддати 2 ойгача, алоҳида ҳолларда эса – 3 ойгача узайтирилиши мумкин. Солиқ аудитининг умумий муддати 6 ойдан ошishi мумкин эмас. Солиқ аудитини ўтказиш муддати ўтказилган солиқ аудити тўғрисида далолатнома тузилган (имзоланган) кунда тугайди (СК 142-м.).  <i>Илгари тафтиш ўтказишнинг аниқ муддатлари кўрсатилмаган</i>
Текширув натижаларига кўра далолатнома, маълумотнома тузиш	Тузилмайди	Текширув далолатномаси тузилади (СК 165-м.)	Текширув далолатномаси тузилади. Солиқ аудити далолатномаси шаклини ва уни тузишга доир талабларни ДСК белгилайди (СК 156-м.)
Текширув натижаларига кўра солиқ органининг хатти-ҳаракатлари	Агар ўтказилган камерал солиқ текшируви якуни билан тақдим этилган солиқ ҳисоботида тафовутлар ва (ёки) хатолар аниқланган бўлса, солиқ органи солиқ тўловчига солиқ ҳисоботларига тузатишлар киритиш талабномасини юборлади. ҚҚС суммасини қоплашга нисбатан камерал солиқ текшируви натижаларига кўра солиқ органлари ушбу суммани қоплаш тўғрисидаги қарор ёхуд уларни қоплашни рад этиш (тўлиқ ёки қисман) тўғрисидаги асосланган қарор қабул қилади	Сайёр солиқ текшируви материалларини кўриб чиқиш натижалари бўйича солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) солиқ тўловчининг солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этганлиги учун жавобгарликка тортиш ёки буни рад этишни назарда тутувчи қарорни қабул қилади (СК 159-м.). Ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш куйидагиларни қўллаган ҳолда амалга оширилади: ✓ молиявий санкциялар (СК 168-м.); ✓ уларни содир этишда айбдор деб топилган шахсларни МЖТКга мувофиқ маъмурий жазога тортиш.  <i>Зарурат туғилганда айбдорларни жиноий жавобгарликка тортиш учун материаллар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга берилади</i>	Солиқ аудити материалларини кўриб чиқиш натижалари бўйича солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) куйидагиларни назарда тутувчи қарорни қабул қилади: 1) солиқлар ва пенялар қўшиб ҳисоблаш ёки буни рад этиш; 2) солиқ тўловчининг солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этганлиги учун жавобгарликка тортиш ёки буни рад этиш (СК 159-м.) Ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш куйидагиларни қўллаган ҳолда амалга оширилади: ✓ молиявий санкциялар (СК 168-м.); ✓ уларни содир этишда айбдор деб топилган шахсларни МЖТКга мувофиқ маъмурий жазога тортиш.  <i>Зарурат туғилганда айбдорларни жиноий жавобгарликка тортиш учун материаллар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга берилади</i>
Текширув натижаларига кўра солиқ тўловчининг хатти-ҳаракатлари	Солиқ тўловчи тузатишлар киритиш тўғрисидаги талабнома олинган кундан эътиборан 10 кунлик муддатда тегишли солиқлар ва йиғимлар бўйича аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини тақдим этиши шарт	Аниқланган ҳуқуқбузарликлардаги айбига иқдор бўлган тақдирда солиқ тўловчи қўшимча ҳисобланган солиқларни ва жарималарнинг барча турларини тўлайди. Бунга рози бўлмаган тақдирда юқори турувчи солиқ органига шикоят билан мурожаат қилади (СК 164-м.).  <i>Илгари солиқ тўловчида танлаш имкони бўлган: у судга ёки юқори турувчи солиқ органига мурожаат қилиши мумкин эди</i>	Аниқланган ҳуқуқбузарликлардаги айбига иқдор бўлган тақдирда солиқ тўловчи қўшимча ҳисобланган солиқларни ва жарималарнинг барча турларини тўлайди. Бунга рози бўлмаган тақдирда юқори турувчи солиқ органига шикоят билан мурожаат қилади (СК 164-м.).  <i>Илгари солиқ тўловчида танлаш имкони бўлган: у судга ёки юқори турувчи солиқ органига мурожаат қилиши мумкин эди</i>
Солиқ тўловчининг текширув натижаларига кўра юзасидан низолаштириш имконияти	Солиқ тўловчи талабнома олинган кундан эътиборан 10 кунлик муддатда тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этган ҳолда аниқланган тафовутларнинг асосномасини тақдим этиш ҳуқуқига эга	Солиқ тўловчи текширув далолатномасида баён этилган фактларга, текширувчиларнинг хулосалари ҳамда тақдирларига рози бўлмаган тақдирда, далолатномани олган кундан эътиборан 10 кун ичида ёзма эътирозларини тақдим этишга ҳақли (СК 156-м.). СК 158-м. мувофиқ, солиқ органида текширув материаллари кўриб чиқилади ва улар юзасидан низолаштирилади	Солиқ тўловчи текширув далолатномасида баён этилган фактларга, текширувчиларнинг хулосалари ҳамда тақдирларига рози бўлмаган тақдирда, далолатномани олган кундан эътиборан 10 кун ичида ёзма эътирозларини тақдим этишга ҳақли (СК 156-м.). СК 158-м. мувофиқ, солиқ органида текширув материаллари кўриб чиқилади ва улар юзасидан низолаштирилади
Текширув натижаларига кўра санкциялар	Санкциялар қўлланмайди	Молиявий жарималар, маъмурий ва (ёки) жиноий санкциялар қўлланади.  <i>Илгари текширувчиларнинг айрим турлари (хронометраж, экспресс-ўрганиш) бўйича санкциялар қўлланмаган</i>	Молиявий жарималар, маъмурий ва (ёки) жиноий санкциялар қўлланади
Пеня	Тегишли пеняларнинг суммаси тўлашни лозим бўлган солиқ суммаларидан ташқари ва солиқни тўлаш бўйича мажбуриятнинг бажарилишини таъминлашга доир бошқа чоралар, шунингдек солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик чоралари қўлланилишидан қатъи назар тўланади (СК 110-м.).		
Солиқ органининг бошқа хатти-ҳаракатлари	Агар солиқ тўловчи аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини тақдим этмаса (ш.ж. аниқлаштирилган талабномадан кейин), ёхуд аниқланган тафовутлар бўйича асосномаларни тақдим этмаса, ёки у тақдим этган асосномалар етарли эмас деб топилса, солиқ органи солиқ тўловчига солиқ аудитини тайинлашга ҳақли	Солиқ текширувини ўтказиш чоғида текширилаётган шахсларга ёки уларнинг эгаллигида, фойдаланишида ёхуд таърифларида бўлган мол-мулкка ғайриқонуний ҳаракатлар орқали зарар етказилишига йўл қўйилмайди. Солиқ органларининг ғайриқонуний қарорлари ёки улар мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари орқали текширилаётган шахсларга етказилган зарарнинг ўрни тўлиқ ҳажмда қоплашни лозим (СК 155-м.).	
Текширувларга доир қонуности ҳужжатлар	Камерал солиқ текширувини ўтказиш тўғрисидаги низомни ДСК тасдиқлайди  <i>Айни пайтда ҳужжат ишлаб чиқиш босқичида турибди.</i>	Сайёр солиқ текширувини ўтказиш тўғрисидаги низомни ДСК тасдиқлайди (СК 139-м.).  <i>Айни пайтда ҳужжат ишлаб чиқиш босқичида турибди.</i>	Солиқ аудитини ўтказиш тўғрисидаги низомни ДСК тасдиқлайди (СК 140-м.).  <i>Айни пайтда ҳужжат ишлаб чиқиш босқичида турибди.</i>




## СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИНИ ҚАНДАЙ ТЎҒРИ ҚЎЛЛАШ МУМКИН

Мураккаб вазиятда давлат томонидан бизнес қўллаб-қувватланмоқда ва солиқлар борасида турли енгилликлар тақдим этилмоқда. Сизга қайси бир енгиллик тўғри келишини билиб олишингиз осон бўлиши учун «NoTma» етакчи эксперти Жорилла АБДУЛЛАЕВ субъектлар ва солиқлар бўйича жадвал тузди.

Президентнинг қуйидаги фармонларида коронавирус пандемияси даврида тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш учун солиқ имтиёзлари акс эттирилган:

1) «Коронавирус пандемияси ва глобал инкироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги (19.03.2020 йилдаги ПФ-5969-сон);

2) «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги (3.04.2020 йилдаги ПФ-5978-сон).



Солиқлар ва йиғимлар	Айланмаси 1 млрд сўмдан ошмайдиган юридик шахслар	Айланмаси 1 млрд сўмдан ошадиган юридик шахслар	Якка тартибдаги тадбиркорлар	Туризм соҳасидаги хўжалик юртимучи субъектлар
<b>СОЛИҚЛАР БЎЙИЧА ИМТИЁЗЛАР</b>				
Мол-мулк солиғи	2020 йил 1 апрелдан 31 декабрга қадар: фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари, яшаш учун мўлжалланмаган иншоотларга мол-мулк солиғини оширилган ставкаларини қўллаш, шунингдек кўрсатилган солиқ бўйича оширилган ставкаларни қўллаш натижасида юзага келган қарздорликка нисбатан пеня ҳисоблаш ва мажбурий ундириш чораларини кўриш тартиби тўхтатилади (ПФ-5978-сон Фармоннинг 4-банди «в» кичик банди).  Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкаси СК 415-моддасида белгиланган		Туроператорлар, турагентлар ва туризм соҳасида меҳмонхона хизматлари (жойлаштириш хизматлари) кўрсатувчи субъектлар 2020 йил 1 апрелдан 31 декабрга қадар мол-мулк солиғини тўлашдан озод этилади* (ПФ-5978-сон Фармоннинг 4-банди «а» кичик банди)	
Ер солиғи	2020 йил 1 апрелдан 31 декабрга қадар: ✓ фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари, яшаш учун мўлжалланмаган иншоотларга ер солиғининг оширилган ставкаларини қўллаш, шунингдек кўрсатилган солиқ бўйича оширилган ставкаларни қўллаш натижасида юзага келган қарздорликка нисбатан пеня ҳисоблаш ва мажбурий ундириш чораларини кўриш тартиби тўхтатилади (ПФ-5978-сон Фармоннинг 4-банди «в» кичик банди);  ✓ Карантин даврида ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлган тадбиркорлик субъектлари томонидан давлат мулкидан фойдаланганлик учун ижара тўловларини** ҳисоблаш ва ундириш тўхтатилади (ПФ-5978-сон Фармоннинг 15-б. 9-хатбоииси).  Юридик шахслардан олинadиган ер солиғи ставкаси СК 429-моддасида белгиланган		Туроператорлар, турагентлар ва туризм соҳасида меҳмонхона хизматлари (жойлаштириш хизматлари) кўрсатувчи субъектлар 2020 йил 1 апрелдан 31 декабрга қадар ер солиғини тўлашдан озод этилади* (ПФ-5978-сон Фармоннинг 4-банди «а» кичик банди)	
Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	Қишлоқ хўжалигидаги ерларни сўғориш учун фойдаланиладиган ҳажмлар бўйича сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари 2020 йилда ўрнатилган ставкалардан 50%га пасайтирилади (ПФ-5969-сон Фармоннинг 5-банди «в» кичик банди).  Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонунга 11-иловада белгиланган (9.12.2019 йилдаги ЎРҚ-589-сон)			
Ижтимоий солиқ			2020 йил 1 апрелдан 1 октябргача бўлган даврда ижтимоий солиқнинг ойлик энг кам суммаси БҲМнинг 50%ига қадар камайтирилади *** (ПФ-5969-сон Фармоннинг 5-банди «а» кичик банди); Карантин даврида ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлган якка тартибдаги тадбиркорлар учун ижтимоий солиқни ҳисоблаш тўхтатилади (ПФ-5978-сон Фармоннинг 5-б.).  Ижтимоий солиқ ставкалари СК 408-моддасида белгиланган	Туроператорлар, турагентлар ва туризм соҳасида меҳмонхона хизматлари (жойлаштириш хизматлари) кўрсатувчи субъектлар 2020 йил 1 апрелдан 31 декабрга қадар ижтимоий солиқни камайтирилган ставкада 1% миқдорда тўлайдилар (ПФ-5978-сон Фармоннинг 4-банди «а» кичик банди)
Айланмадан олинadиган солиқ	2020 йил якунига қадар қарз берувчига фойз шаклида даромад тўлаш мажбуриятсиз қарз (молиявий кўмак) тақдим этилганда қайта молиялаш ставкаси асосида аниқланадиган даромадга солиқ солинмайди (ПФ-5978-сон Фармоннинг 15-б. 8-хатбоииси)			2020 йил якунига қадар қарз берувчига фойз шаклида даромад тўлаш мажбуриятсиз қарз (молиявий кўмак) тақдим этилганда қайта молиялаш ставкаси асосида аниқланадиган даромадга солиқ солинмайди (ПФ-5978-сон Фармоннинг 15-б. 8-хатбоииси)
Фойда солиғи		Фойда солиғини тўловчилар ушбу солиқни аввалги чорак якунлари асосида ҳисоблаш бўйича ўрнатилган талабларни бекор қилган ҳолда, 2020 йилнинг II чорагидан бошлаб қўтилаётган ҳажмлардан келиб чиқиб фойда солиғи бўйича аванс тўловлар суммаси тўғрисида маълумотнома тақдим этиш ҳуқуқига эга (ПФ-5978-сон Фармоннинг 15-б. 10-хатбоииси)		
	2020 йил якунига қадар қарз берувчига фойз шаклида даромад тўлаш мажбуриятсиз қарз (молиявий кўмак) тақдим этилганда қайта молиялаш ставкаси асосида аниқланадиган даромадга солиқ солинмайди (ПФ-5978-сон Фармоннинг 15-б. 8-хатбоииси)			
ҚҚС	Реализация қилиш айланмаси ойига 1 млрд сўмдан ошмайдиган ва электрон ҳисобварақ-фактураларни қўллайдиган ҚҚС тўловчилар ҚҚСни ҳар чораклик асосда (ҳар ойлик ўрнига) ҳисоблаш ва тўлаш ҳуқуқига эга (ПФ-5978-сон Фармоннинг 4-б. «б» кичик банди)		Реализация қилиш айланмаси ойига 1 млрд сўмдан ошмайдиган ва электрон ҳисобварақ-фактураларни қўллайдиган ҚҚС тўловчилар ҚҚСни ҳар чораклик асосда (ҳар ойлик ўрнига) ҳисоблаш ва тўлаш ҳуқуқига эга (ПФ-5978-сон Фармоннинг 4-банди «б» кичик банди)	
	2020 йил 1 апрелдан бошлаб солиқ тўловчилар Президент ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида назарда тутилган ҚҚС бўйича имтиёзларни солиқ солишдан бўшаган маблағларни муайян мақсадларга йўналтириш шартларисиз қўллайди (ПФ-5978-сон Фармоннинг 15-б. 11-хатбоииси)			



9-бетда СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИНИ ҚАНДАЙ ТЎҒРИ ҚЎЛЛАШ МУМКИН

Солиқлар ва йиғимлар	Айланмаси 1 млрд сўмдан ошмайдиган юридик шахслар	Айланмаси 1 млрд сўмдан ошадиган юридик шахслар	Якка тартибдаги тадбиркорлар	Туризм соҳасидаги ҳўжалик юритувчи субъектлар
Акциз солиғи	2020 йилнинг охирига қадар қуйидагилар бўйича амалдаги акциз солиғи ставкалари сақланиб қолади: ✓ ишлаб чиқариладиган спирт, алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан вино ва пиво учун акциз солиғи; ✓ бензин, дизель ёқилғиси ва газни яқуний истеъмолчиларга реализация қилишдаги акциз солиғи (ПФ-5978-сон Фармоннинг 7-б.).  Акциз солиғи ставкалари ЎРҚ-589-сон Қонуннинг 8-илоvasида белгиланган			
Божхона тўловлари	2020 йил 31 декабрга қадар ПФ-5978-сон Фармонга 1-иловага мувофиқ товарлар олиб қирилганда божхона божи ва акциз солиғи бўйича ноль даражали ставкалар белгиланади;  Коронавирус инфекциясига қарши курашиш бўйича тиббиёт ва карантин муассасалари қурилиши учун зарур бўлган қурилиш материаллари, шунингдек улар фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган товарлар 2020 йил 31 декабргача муддатга божхона тўловларидан (божхона божи, акциз солиғи ва ҚКСдан) озод этилади. Коронавирусни аниқлаш бўйича экспресс-тестларни олиб қиринишда улар учун божхона расмийлаштируви йиғими ундирилмайди (ПФ-5978-сон Фармоннинг 16-б.)			
ЖШДС			Карантин даврида ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлган якка тартибдаги тадбиркорлар учун ЖШДС қатъий белгиланган суммасини ҳисоблаш тўхтатилади (ПФ-5978-сон Фармоннинг 5-б.)	Фаолияти туризм соҳасига бевосита ёки билвосита боғлиқ бўлган якка тартибдаги тадбиркорлар учун ЖШДСнинг қатъий белгиланган суммалари 30%га камайтиради (ПФ-5969-сон Фармоннинг 7-б. 2-хатбоииси). ЖШДС қатъий белгиланган ставкалари ЎРҚ-589-сон Қонунга 13-иловада белгиланган
Умумий овқатланиш қорхоналарига алкоголь маҳсулотлари чакана савдоси учун йиғим	25%га пасайтирилади (ПФ-5969-сон Фармоннинг 5-б. «а» кичик б.)			
Туристтик (мехмонхона) йиғими				2020 йил 1 апрелдан 1 июлгача бўлган даврда туристтик йиғимини ҳисоблаш ва тўлаш тўхтатилади (ПФ-5969-сон Фармоннинг 5-банди «б» кичик банди)
<b>СОЛИҚЛАРНИ КЕЧИКТИРИШ (БЎЛИБ-БЎЛИБ ТЎЛАШ)</b>				
Мол-мулк солиғи, ер солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	Маҳаллий давлат ҳокимияти органларига юборилган солиқ тўловчининг аризасига асосан солиқни тўлаш бўйича фойзаларни ундирмасдан 6 ойга кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) ҳуқуқи тақдим этилади (ПФ-5969-сон Фармоннинг 7-б. 3-хатбоииси)			Туризм субъектлари мол-мулк солиғи ва ер солиғини тўлашдан озод этилган
Айланмадан олинандиган солиқ, мол-мулк солиғи, ер солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, ижтимоий солиқ	Ўз фаолиятини тўхтатган ва (ёки) товарлар (хизматлар) реализациясидан тушуми жорий йилнинг I чорагидаги ўртача ойлик миқдорига нисбатан 50%дан кўпроққа камайган микрофирма, кичик қорхоналар ва якка тартибдаги тадбиркорларга солиқ органларини хабардор қилган ҳолда, 2020 йил 1 октябрга қадар қуйидаги солиқларни фойзаларни кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) ҳуқуқи тақдим этилади: ✓ айланмадан олинандиган солиқ, мол-мулк солиғи, ер солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича – уларни кейинчалик 12 ой давомида тенг улушларда тўлаш шarti билан; ✓ ижтимоий солиқ бўйича – уни кейинчалик 6 ой давомида тенг улушларда тўлаш шarti билан (ПФ-5969-сон Фармоннинг 6-б.)			Туризм субъектларининг мол-мулк солиғи ва ер солиғини тўлашдан озод этилиши муносабати билан кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) ҳуқуқи айланмадан олинандиган солиқ ва ижтимоий солиққа ҳам татбиқ этилади
<b>СОЛИҚ МАЪМУРИЯТЧИЛИГИ СОҲАСИДАГИ ИМТИЁЗЛАР</b>				
2020 йил 1 октябргача бўлган даврда ташқи савдо операциялари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорлик учун ҳўжалик юритувчи субъектларга жарималар қўлаш тўхтатилади (ПФ-5969-сон Фармоннинг 8-б.)				
2020 йил 1 октябргача вақтинча қийинчиликларни бошдан кечираётган ҳўжалик юритувчи субъектларга мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурслардан фойдаланганлик учун солиқ бўйича пенялар ҳисобланиши тўхтатиб турилади. Шунингдек солиқ қарзини мажбурий ундириш чоралари қўрилмайди (ПФ-5969-сон Фармоннинг 8-б.).				
Пеня миқдори СК 110-м. 11-қ. да белгиланган				
2021 йил 1 январга қадар солиқ аудитидан ўтказиш тўхтатилади, жиноят ишлари доирасида ва юридик шахсни тугатиш муносабати билан солиқ аудитидан ўтказиш бундан мустасно (ПФ-5969-сон Фармоннинг 10-б.).				
Солиқ аудити ўтказиш тартиби СК 140-143-моддаларида белгиланган				
Карантинга олинган шахсларга нисбатан қўлланилган маъмурий жарималарни (карантин қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик бундан мустасно) тўлаш муддатлари карантин муддати тугагунга қадар узайтирилади (ПФ-5978-сон Фармоннинг 15-б. 6-хатбоииси)				

**Изоҳлар:**

\* **Туроператорлар** – туристтик маҳсулотни шакллантириши, тарғиб этиши ва реализация қилиши бўйича фаолият юритадиган тадбиркорлар («Туризм тўғрисида»ги Қонуннинг 20-м.).

**Турагентлар** – туристтик маҳсулотни тарғиб этиши ва реализация қилиши бўйича фаолият юритадиган тадбиркорлар («Туризм тўғрисида»ги Қонуннинг 20-м.).

**Туристтик маҳсулот** – туристтик бозор конъюнктурасидан келиб чиққан ҳолда ёхуд туристнинг ёки экскурсантнинг буюртмасига қўра туроператор томонидан шакллантириладиган, туристнинг ва экскурсантнинг эҳтиёжларини қаноатлантириши учун зарур бўлган туристтик хизматлар мажмуи («Туризм тўғрисида»ги Қонуннинг 25-м.).

**Туристтик хизматлар** – жойлаштириши, овқатлантириши, транспорт, экскурсия ва маслаҳат хизмати кўрсатиши бўйича хизматлар, шунингдек турист ва экскурсантнинг эҳтиёжларини қаноатлантиришига қаратилган хизматлар («Туризм тўғрисида»ги Қонуннинг 3-м.).

**Мехмонхона хизматлари** – жойлаштириши воситаларида (мехмонхоналар, туристтик базалар ва мажмуалар, дам олиш уйлари ва зоналари, пансионатлар, кемпинглар, мотеллар, ўтовли оромгоҳлар ва норматив ҳужжатлар талаблари тааллуқли бўлган бошқа жойлаштириши воситалари) вақтинчалик яшаш жойи бериш бўйича хизматлар, хостеллардан ташқари (Низомнинг 5-б., ВМнинг 5.06.2017 йилдаги 355-сон қарори билан тасдиқланган).

\*\* **Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ижарага берилган ер участкалари учун тўланадиган ижара ҳақи ер солиғига тенглаштирилади. Юридик шахслардан олинандиган ер солиғини тўловчилар учун белгиланган солиқ ставкалари, солиқ имтиёзлари, солиқни ҳисоблаш, солиқ ҳисоботини тақдим этиши ва тўлаш тартиби ер участкасини ижарага олган юридик шахсларга ҳам татбиқ этилади (СК 424-м. 2-қ.).**

\*\*\* **Базавий ҳисоблаш миқдори (БХМ)** – материал эълон қилинган санада 223 000 сўм.

\*\*\*\* **Жами даромади жорий солиқ давридан олдинги солиқ даври учун қиритилган тузатишлар ҳисобга олинган ҳолда 5 млрд сўмдан ошадиган солиқ тўловчилар ҳар ойлик бўнақ тўловларини ҳисобот даври ҳар бир ойининг 23-кунидан кечиктирмай тўлайди (СК 340-м. 2-қ.).**



# СОЛИҚ ТЎЛОВЧИНИНГ ТАҚВИМИ

ЮРИДИК ШАХСЛАР УЧУН

## 5 МАЙ

2020 йил апрель ойида банклар томонидан Ўзбекистон Республикасининг норезидентларига амалга оширилган тўловлар (дивидендлар ва фойзлар тўловидан ташқари) бўйича юридик шахслардан олинадиган фойда солигини бюджетга ўтказишнинг сўнгги куни

(Солиқ кодекси, 355-модда, 2-қисм, 1-банд)

2020 йилнинг апрель ойида натура шаклида тўланган даромадлардан жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигини тўлашнинг сўнгги куни

(Солиқ кодекси, 390-модда, 2-қисм)

## 9 МАЙ\*\*\*\*\*

2020 йил май ойи учун айланмадан солиқ тўловчи бўлмаганлар жумласига кирадиган солиқ тўловчилар томонидан қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар учун ер солиги бўйича аванс тўловларини йиллик солиқ суммасининг 1/12 қисми миқдоридан тўлашнинг сўнгги куни\*

(Солиқ кодекси, 432-модда, 1-қисм)

## 10 МАЙ\*\*\*\*\*

2020 йил апрель ойи учун Қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийси томонидан ўзи ва инвестиция воситачилари томонидан рўйхатга олинган акцияларга доир битимлар тўғрисидаги ахборот тақдим этишнинг сўнгги куни

(Солиқ кодекси, 133-модда, 12-қисм)

2020 йилнинг апрель ойи учун акциз солиғи бўйича солиқ ҳисоботини тақдим этиш ва тўловни тўлашнинг сўнгги куни

(Солиқ кодекси, 292, 293-моддалар)

2020 йил май ойи учун айланмадан олинадиган солиқни тўловчилар ҳисобланмайдиган солиқ тўловчилар томонидан мол-мулк солиғи бўйича бўнақ тўловларни йиллик солиқ суммасининг 1/12 қисми миқдоридан тўлашнинг сўнгги куни\*\*

(Солиқ кодекси, 417-модда, 6-қисм)

2020 йилнинг I чораги учун вазирилик ва идоралар, ассоциациялар, концернлар ва давлат мулкни бошқарадиган бошқа корхоналар томонидан йиллик молиявий ҳисоботини тақдим этишнинг сўнгги куни\*\*\*

(АВ томонидан 3.07.2000 йилда 942-сон билан рўйхатдан ўтказилган Чораклик ва йиллик молиявий ҳисоботларни тақдим этиш мuddатлари тўғрисидаги низомнинг 1-банди)

## 14 МАЙ

2020 йил апрель ойи учун ШЖБПХ реестрларини тақдим этишнинг сўнгги куни

(Низомнинг 16-банди, ВМнинг 21.12.2004 йилдаги 595-сон қарорига 1-қисми)

\*Айланмадан олинадиган солиқни тўловчилар томонидан ер солиғи бўйича бўнақ тўловлари йиллик солиқ суммасининг 1/4 қисми миқдоридан йилнинг ҳар чораги учинчи ойининг 10-кунидан кечиктирмай тўланади.

\*\*Айланмадан олинадиган солиқни тўловчилар томонидан мол-мулк солиғи бўйича бўнақ тўловлари йиллик солиқ суммасининг 1/4 қисми миқдоридан йилнинг ҳар чораги учинчи ойининг 10-кунидан кечиктирмай тўланади.

\*\*\*Кўйидагилар:

молиявий ҳисоботни йилда бир марта, ҳисобот йилдан кейинги йилнинг 25 мартидан кечиктирмай тақдим этиладиган чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналари ва чет эл фирмаларининг ваколатхоналари бундан мустасно;

молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни йилда бир марта, ҳисобот йилдан кейинги йилнинг 15 мартидан кечиктирмай тақдим этиладиган юридик шахс мақомига эга бюджет ташиқлотлари;

молиявий ҳисоботни йилда бир марта, ҳисобот йилдан кейинги йилнинг 15 февралдан кечиктирмай тақдим этиладиган микрофирмалар ва кичик корхоналар бундан мустасно.

\*\*\*\*Солиқ даврида солиқ суммаси БҲМнинг 200 бараваридан камроқни ташкил этадиган, айланмадан олинадиган солиқни тўловчилар бўлмаган юридик шахслар, шунингдек айланмадан олинадиган солиқни тўловчилар ва яқна тартибдаги тадбиркорлар томонидан сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича бўнақ тўловлари ҳар чорак учинчи ойининг 20-санасидан кечиктирмай йиллик солиқ суммасининг 1/4 қисми миқдоридан тўланади.

\*\*\*\*\*Солиқ кодексининг 340-моддаси 3-6-қисмларига мувофиқ солиқлаб чиқарилган ҳар ойлик бўнақ тўловининг суммаси манфий ёки нолга тенг бўлса, кўрсатилган тўловлар тегишли чоракда амалга оширилмайди.

\*\*\*\*\*Мuddатнинг сўнги куни дам олиш (ишланмайдиган) кунига тўғри келиб қолса, мuddатнинг тугаши куни бўлиб ундан кейин келувчи биринчи иш куни ҳисобланади.

Солиқ тўловчининг тақвими «Солиқ ва боғжона хабарлари» газетаси ва «Notam» МЧЖ экспертларининг муаллифлик ишланмасидир. Унинг бошқа ОАВларда қайтадан чоп этилиши ва электрон маълумотлар базаларида жойлаштирилишига «Notam» МЧЖ билан тузилган шартнома асосидagina йўл қўйилади.

## 2020 ЙИЛ МАЙ

Д	С	Ч	П	Ш	Ж	Я
4	5	6	7	8	9	10
11	12	13	14	15	16	17
18	19	20	21	22	23	24
25	26	27	28	29	30	31

## 15 МАЙ

2020 йил апрель ойи учун ЖШДС ва ижтимоий солиқ бўйича солиқ ҳисоботини тақдим этиш ва солиқларни тўлашнинг сўнгги куни

(Солиқ кодекси, 389-модда, 1-қисм, 2-банд; 390-модда; 407-модда 4 ва 5-қисмлар)

2020 йил апрель ойи учун солиқ тўловчилар томонидан қатъий миқдорда белгиланган ЖШДСни тўлашнинг сўнгги куни

(Солиқ кодекси, 392-модда, 1-қисм)

## 20 МАЙ

2020 йил апрель ойи учун қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ ҳисоботини тақдим этиш ва солиқни тўлашнинг сўнгги куни

(Солиқ кодекси, 273-модда, 1 ва 2-қисмлар)

2020 йил апрель ойи учун солиқ агентлари томонидан дивидендлар ва фойзлардан олинадиган солиқ суммаси бўйича солиқ ҳисоботи тақдим этишнинг сўнгги куни. Бунда солиқ суммаси дивидендлар ва фойзлар тўланган куннинг кейинги кунидан кечиктирмай бюджетга тўланади

(Солиқ кодекси, 345-модда, 5 ва 6-қисмлар)

2020 йил апрель ойи учун солиқ агентлари томонидан норезидентларнинг даромадларидан олинадиган солиқ суммалари бўйича солиқ ҳисоботини тақдим этишнинг сўнгги куни. Бунда солиқ суммаси норезидентга даромадлар тўланган куннинг кейинги кунидан кечиктирмай бюджетга тўланади

(Солиқ кодекси, 355-модда, 1 ва 2-қисмлар)

2020 йил май ойи учун солиқ даврида солиқ суммаси БҲМнинг 200 бараваридан кўпроқни ташкил этадиган айланмадан олинадиган солиқни тўламайдиган юридик шахслар томонидан сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича бўнақ тўловларини йиллик солиқ суммасининг 1/12 қисми миқдоридан тўлашнинг сўнгги куни<sup>4</sup>

(Солиқ кодекси, 448-модда, 3-қисм)

2020 йил апрель ойи учун ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ бўйича солиқ ҳисоботини тақдим этиш ва солиқни тўлашнинг сўнгги куни

(Солиқ кодекси, 454-модда, 3 ва 4-қисмлар)

2020 йил апрель ойи учун чет эллик шахслардан олинган товарлар (хизматлар) бўйича ҚҚС ҳисоб-китобини тақдим этишнинг сўнгги куни. Бунда Ҳисоб-китоб ортиб борувчи яқун билан эмас, балки 2020 йил апрель ойи учун кўрсаткичлар билан тўлдирилади.

(Солиқ кодекси, 259-модда; 273-модда, 1, 2-қисмлар)

## 23 МАЙ\*\*\*\*\*

2020 йил май ойи учун жами даромади жорий солиқ давридан олдинги солиқ даври учун киритилган тузатишлар ҳисобга олинган ҳолда 5 млрд сўмдан ошадиган солиқ тўловчилар томонидан фойда солиғи бўйича ойлик бўнақ тўловларини тўлашнинг сўнгги куни\*\*\*\*\*

(Солиқ кодекси, 340-модда, 2, 7-қисмлар)

**Маълумот учун!** Президентнинг 3.04.2020 йилдаги ПФ-5978-сон Фармони-нинг 15-бандига мувофиқ фойда солигини аввалги чорак якунлари асосида ҳисоблаш бўйича ўрнатилган талабларни бекор қилган ҳолда, ушбу солиқни тўловчилар 2020 йилнинг II чорагидан бошлаб қўтиллаётган ҳажмларидан келиб чиқиб фойда солиғи бўйича аванс тўловлар суммаси тўғрисида маълумотнома тақдим этиш ҳуқуқига эга.

## 25 МАЙ

2020 йилнинг апрель ойи учун меҳнатда шикастланиш ёки касб касалликлари оқибатида тайинланган пенсиялар тўлови бўйича харажатларни қоплаш учун маблағларни тўлашнинг сўнгги куни

(АВ томонидан 3.11.2016 йилда 2836-сон билан рўйхатдан ўтказилган Ягона ижтимоий тўловни тақсимлаш, шунингдек харажатларни қоплаш бўйича суммаларнинг тўлаш шартлари ҳамда ташиқлотлар томонидан пенсия, нафақа ва бошқа тўловлар учун харажатлар амалга оширилиши тартиби тўғрисидаги низомнинг 17-банди)

**Этибор беринг!** Коронавирус пандемиясининг бизнесга салбий таъсирини юмшатишга қаратилган чора-тадбирлар белгиланган Президентнинг 19.03.2020 йилдаги ПФ-5969-сон, 3.04.2020 йилдаги ПФ-5978-сон ва 27.04.2020 йилдаги ПФ-5986-сон фармонлари билан тадбиркорлик субъектларига соддалаштирилган тартибда айрим солиқлар бўйича тўлов мuddатини кечиктириш (булиб-бўлиб тўлаш) ҳуқуқидан фойдаланиш имконияти тақдим этилган.



# ФОЙДА СОЛИГИНИНГ НОЛЬ ДАРАЖАЛИ

Янги Солиқ кодекси билан айрим тонфадаги солиқ тўловчиларга фойда солиғининг ноль даражали ставкасини қўллаш ҳуқуқи берилди. Уни қўллаш тартибини «Nogma» эксперти Олег ЦОЙ тушунтиради.

## Ноль даражали ставкани қимлар қўллаши мумкин

Фойда солиғининг 0%лик ставкасини қуйидагилар қўллаши мумкин:

1) қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари ва балиқ хўжалиги корхоналари – ўзи ишлаб чиқарган қишлоқ хўжалиги маҳсулотини реализация қилишдан олинган фойда бўйича;

2) ижтимоий соҳада фаолиятни амалга оширувчи хўжалик юритувчи субъектлар;

3) қўшимча мабзалардан даромадлар олувчи бюджет ташкилотлари;

4) экспорт қилувчилар – товарларни (хизматларни) экспортга реализация қилишдан олинган фойда бўйича;

5) ягона иштирокчилари ногиронлиги бўлган шахслар меҳнатидан фойдаланаётган ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари бўлган субъектлар;

6) Халқ банки – фуқароларнинг шахсий жамағариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағлардан фойдаланишдан олинган даромадлар бўйича (СК 337-м.).

Солиқ тўловчилар фойда солиғининг ноль даражали ставкасини қўллаш учун муайян шартларга мувофиқ келишлари керак. Фақат шундагина Фойда солиғи ҳисоб-китобига 6-«Ноль ставка қўлланиладиган солиқ тўловчилар фойдаси» иловасини тўлдирадилар (3-илова, АВ томонидан 24.02.2020 йилда 3221-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

Ушбу шартларни батафсил кўриб чиқамиз.

## Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари ва балиқ хўжалиги корхоналари

Корхонангиз бир вақтнинг ўзида қуйидаги шартларга жавоб берса, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиси ҳисобланади:

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқарса ва унга бирламчи қайта ишлов берса. Бунда жами даромадда уни реализация қилишдан улуш солиқ даврида камида 80%ни ташкил этади;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқариш учун ер участкаларига эга бўлиб, улар бундай ишлаб чиқариш учун зарур бўлса.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари жумласига қуйидаги маҳсулотлар кирради:

- қишлоқ ва ўрмон хўжалиги ўсимликшunosлиги маҳсулотлари;

- чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик маҳсулотлари;

- ипакчилик маҳсулотлари;

- балиқчилик маҳсулотлари ва сувда етиштириладиган экинлар (СК 57-м.).



**Саноатда қайта ишланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қишлоқ хўжалиги маҳсулотини деб эътироф этилмайди.**

Шу сабабли уни реализация қилишдан олинган даромад ўзи ишлаб чиқарган қишлоқ хўжалиги маҳсулотини реализация қилиш улушини аниқлаш чоғида ҳисобга олинмайди.

Юқорида кўрсатилган шартларга мувофиқ келсангиз, ўзингиз ишлаб чиқарган қишлоқ хўжалиги маҳсулотини реализация қилишдан олинган фойдага нисбатан ноль даражали ставкани қўллаш ҳуқуқига эга бўласиз.

Ўзингиз ишлаб чиқарган қишлоқ хўжалиги маҳсулотини реализация қилишдан олинган даромадлар жами даромаднинг 90%идан ошса, фаолиятнинг барча турлари бўйича ноль даражали ставкани қўллаш ҳуқуқига эга бўласиз (СК 337-м. 3-қ.).



Ўзингиз ишлаб чиқарган қишлоқ хўжалиги маҳсулотини реализация қилишдан олинган фойда улуши ва суммасини тўғри аниқлаш учун даромадлар ва харажатларнинг алоҳида-алоҳида ҳисобини юритинг. Алоҳида-алоҳида ҳисоб юритишининг қўлланилаётган усулини – тўғридан-тўғри ёки мутаносиб – ҳисоб сиёсатида акс эттиринг, сабаби турли усулларнинг қўлланилиши ҳар хил натижа беради ва тегилишча, фойда солиғи суммасига таъсир кўрсатади.

## МИСОЛ. Ўзи ишлаб чиқарган қишлоқ хўжалиги маҳсулотини реализация қилиш ҳажмининг улушини аниқлаш

Корхона ҳисобот даврида 100 млн сўмлик реализация қилиш ҳажмига эга, даромадлар ва харажатлар ҳисобини юритишининг мутаносиб усулини қўллайтиди. Корхона бошқа даромад олмаган.

### I вариант

Жами даромад қуйидагиларни реализация қилишдан олинган даромадларни ўз ичига олади:

- ўзи ишлаб чиқарган қишлоқ хўжалиги маҳсулотини – 92 млн сўм;

- саноатда қайта ишланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотини – 5 млн сўм;

- сотиб олинган қишлоқ хўжалиги маҳсулотини – 3 млн сўм.

Жами даромаддаги ўзи ишлаб чиқарган қишлоқ хўжалиги маҳсулотини реализация қилиш улушини аниқлаймиз:  $92 / (92 + 5 + 3) \times 100 = 92\%$ .

Ўзи ишлаб чиқарган қишлоқ хўжалиги маҳсулотини реализация қилиш ҳажми 90%дан ошгани боис корхона бутун фойдага нисбатан фойда солиғининг ноль даражали ставкасини қўллаши мумкин.

### II вариант

Жами даромад қуйидагиларни реализация қилишдан олинган даромадларни ўз ичига олади:

- ўзи ишлаб чиқарган қишлоқ хўжалиги маҳсулотини – 82 млн сўм;

- саноатда қайта ишланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотини – 5 млн сўм;

- сотиб олинган қишлоқ хўжалиги маҳсулотини – 13 млн сўм.


Жами даромаддаги ўзи ишлаб чиқарган қишлоқ хўжалиги маҳсулотини реализация қилиш улуши қуйидаги миқдорга тенг:  $82 / (82 + 5 + 13) \times 100 = 82\%$ .

Ўзи ишлаб чиқарган қишлоқ хўжалиги маҳсулотини реализация қилиш ҳажми 90%дан кам эканлиги боис корхона фақат ўзи ишлаб чиқарган қишлоқ хўжалиги маҳсулотини реализация қилишдан олинган фойдага нисбатан фойда солиғининг ноль даражали ставкасини қўллаши мумкин. Саноатда қайта ишланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ва сотиб олинган қишлоқ хўжалиги маҳсулотини реализация қилишдан олинган фойдага 15%лик ставкада фойда солиғи солинади.

## Ижтимоий соҳа

Корхонангиз қуйидаги соҳаларда фаолият кўрсатса, ижтимоий соҳада фаолиятни амалга оширувчилар жумласига кирради:

- лицензия асосида кўрсатиладиган тиббий хизматлар (бундан косметология хизматлари мустасно). Тиббий хизматлар жумласига қуйидагилар кирради, хусусан, тиббий ёрдам хизматлари ва санитария хизматлари кўрсатиш:



а) ташхис қўйиш, профилактика ва даволаш хизматлари;

б) стоматологик хизматлар, шу жумладан тиш протезларини ўрнатиш хизматлари;

- таълимга оид хизматлар, шу жумладан тестлар ва имтиҳонлар ўтказишни ташкил этиш;

- илм-фан соҳасидаги ваколатли орган томонидан аккредитация қилинган илмий ва (ёки) илмий-техникавий фаолият субъектлари томонидан фан соҳасида амалга ошириладиган фаолият (шу жумладан илмий тадқиқотлар ўтказиш, муаллиф томонидан илмий-интеллектуал мулкдан фойдаланиш, жумладан уни реализация қилиш);

- жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги хизматлар. Бундай хизматларга, хусусан, қуйидагилар кирради:

а) жисмоний тарбия ва спорт машғулотларини спорт турлари бўйича ўқув гуруҳлари ҳамда жамоаларида ўтказиш хизматлари, умумжисмоний тайёргарлик хизматлари;

б) спорт мусобақалари ёки байрамларини, спорт-томоша тадбирларини ўтказиш хизматлари, ушбу тадбирларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш учун спорт иншоотларини ижарага бериш;

в) спорт-техника асбоб-ускуналарини, тренажёрларни, анжомларни, спорт кийим-бошларини бериб туриш бўйича хизматлар;

- болаларни, кексаларни ва ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда уларнинг ижтимоий таъминоти соҳасидаги хизматлар (СК 59-м.).

Бунда санаб ўтилган фаолият турларидан олинган даромадлар текин олинган мол-мулк тарзидаги даромадлар ҳисобга олинган ҳолда жами йиллик даромаднинг камида 90%ини ташкил этиши керак. Шундагина фойда солиғининг ноль даражали ставкасини қўллашингиз мумкин.



Календарь йил бошидан ижтимоий соҳада хизматларни реализация қилиш ҳажми 90%дан камни ташкил қилган эътибор, эътибор йилининг ўтган ҳисобот чораклари учун аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини тақдим этган ҳолда бутун фойдага нисбатан 15%лик солиқ ставкаси қўлланилади (СК 337-м. 4-қ.).

## МИСОЛ. Ижтимоий соҳада хизматларни реализация қилиш ҳажмининг улушини аниқлаш

Корхонангиз 2020 йил I чорагидаги жами даромади 200 млн сўмни, шу жумладан ижтимоий соҳада хизматларни реализация қилишдан – 190 млн сўмни ташкил этди.

Ижтимоий соҳада хизматларни реализация қилишдан олинган даромад 95%ни  $(190 / 200 \times 100)$  ташкил этади, шу сабабли корхона бутун фойдага нисбатан фойда солиғининг ноль даражали ставкасини қўллайтиди.

Ярим йилликдаги жами даромад 400 млн сўмни, шу жумладан ижтимоий соҳада хизматларни реализация қилишдан – 340 млн сўмни ташкил этди.

Ижтимоий соҳада хизматларни реализация қилишдан олинган даромад 85%ни  $(340 / 400 \times 100)$  ташкил этади, корхона ноль даражали ставкани



# СТАВКАСИ ҚАНДАЙ ҚЎЛЛАНИЛАДИ

қўллай олмайдди. У 1 ярим йилликда олинган бутун фойдага нисбатан 15%лик ставкани қўллайди. Бунда корхона фойда солиғини 15%лик ставкада қайта ҳисоблаган ҳолда 1 чорак учун аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини тақдим этиши шарт.

Ижтимоий соҳада хизматларни тақдим этишдан ташқари акциз тўланадиган товарларни реализация қилсангиз ёки фойдали қазилмаларни казиб олсангиз, корхонангиз ижтимоий соҳада фаолиятни амалга оширувчи юридик шахслар жумласига кирмайди ва тегишинча, фойда солиғининг ноль даражали ставкасини қўллаш ҳукукига эга бўлмайди.

## Кўшимча манбалардан даромадлар олувчи бюджет ташкилотлари

Ташкилотингиз бюджет ташкилоти бўлиб, кўшимча манбалардан даромад олган тақдирда, башарти бўшатилаётган маблағлардан ташкилотнинг моддий-техника ва ижтимоий базасини мустаҳкамлаш, ўз ходимларингизни моддий рағбатлантириш учун мақсадли тарзда фойдалансангиз, 2023 йилнинг 1 январига қадар ноль фойз мақдоридagi солиқ ставкасини қўллай оласиз (СК 337-м. 6-қ.).

**!** Бюджет ташкилотлари солиқ ҳисоботини солиқ даври якунларига кўра тақдим этади. Йил якунлари бўйича жами даромад мавжуд бўлмаган тақдирда солиқ ҳисоботи тақдим этилмайди (СК 339-м. 6-қ.).

## Экспортга реализация қилиш

Товарларни (хизматларни) экспорт қилишдан олинган даромадлар жами даромадининг 15%идан ошса, фойда солиғининг ноль даражали ставкасини қўлланг (СК 337-м. 8-қ.).

Экспорт қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлганда ноль даражали ставка қўлланилади:

- контракт ёки унинг белгиланган тартибда тасдиқланган кўчирма нусхаси;
- товарларни чиқаришни амалга оширувчи божхона органининг товарларни Ўзбекистон божхона ҳудудидан олиб чиқиш учун белгиси қўйилган божхона юк декларацияси;
- Ўзбекистон божхона ҳудудидан ўтказиш пунктида жойлашган божхона органининг товарлар белгиланган мамлакатга жўнатилганлигини тасдиқловчи белгиси қўйилган, товарга илова қилинадиган ҳужжатлар.

Товарлар экспортга воситачи (ишончли вакил) орқали воситачилик (топширик) шартномаси бўйича реализация қилинганда экспортни тасдиқлаш учун воситачилик (топширик) шартномасини ҳам тақдим этиш лозим.

Товарлар экспорт қилинганлигини тасдиқлаш учун хўжалик юритувчи субъект амалга ошираётган фаолият турига қараб бошқа ҳужжатлар ҳам талаб этилиши мумкин (СК 261-м.).

**!** Товарлар (хизматлар) экспорт режимида чиқарилган кундан эътиборан 180 календарь кун ичида товарлар ёки хизматлар экспортдан чет эл валютасида даромад келиб тушмаган бўлса, фойда солиғининг ноль даражали ставкаси қўлланилмайди (СК 337-м. 10-қ.).

## ВАЗИЯТ. Валюта тушуми келиб тушадиган муддатни бузиш

Корхона 2020 йил апрель ойининг бошида маҳсулотни экспорт қилиб, 1 ярим йиллик учун фойда солиғини ҳисоблаб чиқараётганда ушбу реализация бўйича ноль даражали ставкани қўллади. Бироқ ушбу операция бўйича чет эл валютаси-

даги тушум товарлар экспорт режимида чиқарилган кундан эътиборан 180 календарь кун ичида келиб тушиди.

Шу сабабли корхона 9 ой учун фойда солиғи бўйича ҳисоботни тайёрлаш чоғида экспортдан олинган фойдага нисбатан 15%лик ставкани қўллади.

Бундан ташқари, корхонанинг товарлар экспортдан олинган фойдани ноль даражали ставкада солиқ солинадиган фойдадан чиқариб ташлаб, 1 ярим йиллик учун аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини тақдим этишига тўғри келди.

**!** Ноль даражали ставка қуйидагиларга нисбатан татбиқ этилмайди:

- рўйхати Президентнинг қарори билан тасдиқланадиган ҳам ашё товарлар экспортга;
- халқаро ташишлар хизматларига, бундан автотранспортда ташишлар мустасно;
- товарларни қувурлар орқали ва газ қувурлари орқали ташиш бўйича хизматларга (СК 337-м. 11-қ.).

## Ногиронлиги бўлган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланадиган корхоналар

Ушбу тоифадаги солиқ тўловчи қуйидаги шартларда фойда солиғининг ноль даражали ставкасини қўллаш мумкин:

- унинг ягона иштирокчиси – ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат биришмаси;
- умумий ходимлар сонидан ногиронлиги бўлган шахслар – камида 50%;
- ногиронлиги бўлган шахсларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш жамғармаси – камида 50% (СК 337-м. 1-қ. 9-б.).

Агар корхонангиз юқорида кўрсатилган шартларга тўғри келмаса, бироқ бунда ишга ногиронларни жалб этса, у фойда солиғи ставкасини камайтириши мумкин. Бунинг учун банд бўлган ногиронлиги бўлган шахсларнинг сони ишловчиларнинг умумий ўртача йиллик сонининг 3%идан кўпроқ бўлиши керак.

3% нормадан ортиқча ишга жойлаштирилган ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳар бир фойзига солиқ ставкасининг 1%и ҳисобидан камайтирилади (СК 337-м. 7-қ.).

Мисол учун, агар банд бўлган ногиронлиги бўлган шахсларнинг сони ишловчиларнинг умумий ўртача йиллик сонининг 5%ини ташкил этса, фойда солиғини 2%га (5–3) камайтирилган ставка бўйича тўлаш, яъни 14,7% (15–15 x 2%) ставкани қўллаш мумкин. Тузатишган ставка Фойда солиғи ҳисоб-китобининг 071-сатрида акс этирилади.

## Даромадлар ва харажатларни алоҳида-алоҳида ҳисобга олиш

Бир неча фаолият турларини амалга ошириб, уларнинг айримлари бўйича ноль даражали ставкани қўллаш ҳуқуқига эга бўлсангиз, даромадлар ва харажатларнинг ҳисобини алоҳида-алоҳида юритинг.

Бунинг учун қуйидаги усуллардан бирини қўланг:

- мутаносиб;
  - тўғридан-тўғри усулда ҳисобга олинг.
- Мутаносиб усулда** даромадлар ва харажатларни реализация қилишдан олинган тушумнинг умумий суммасида ушбу фаолият турлари бўйича (ҚҚС ва акциз солиғини ҳисобга олмаган ҳолда) тушум улушига мутаносиб тарзда муайян фаолият турларига киритинг (СК 80-м.).

**Мисол. Даромадлар ва харажатларни ҳисобга олишнинг мутаносиб усули**  
Корхона маҳсулот ишлаб чиқариб, уни ички бо-

зорда ва экспортга реализация қилади. Ҳисобот даврида товарларни реализация қилишдан тушган тушум ҚҚС ва акциз солиғини ҳисобга олмаганда 5 400 млн сўмни, шу жумладан экспортга – 2 160 млн сўмни ташкил этди. Бошқа даромад олмаган.

Ушбу даврда чегириладиган харажатлар 3 600 млн сўмни ташкил этди.

Экспортга реализация қилишдан тушган тушумнинг жами даромаддаги улуши – 40% (2 160 / 5 400 x 100).

Товарлар экспортдан олинган даромадлар жами даромадининг 15%идан ошгани сабабли корхона товарларни экспортга реализация қилишдан олинган фойда бўйича солиқнинг ноль даражали ставкасини қўллаш ҳуқуқига эга.

Корхона даромадлар ва харажатларни ҳисобга олишнинг мутаносиб усулини қўллайди.

Экспорт билан боғлиқ чегириладиган харажатлар 1 440 млн сўмни (3 600 x 40%) ташкил этди, бунда 40% – товарларни экспортга реализация қилишдан тушган тушумнинг реализация қилишдан тушган тушум умумий суммасидаги улуши.

Экспорт бўйича фойда – 720 млн сўмга (2 160 – 1 440) ноль даражали ставкада фойда солиғи солинади.

**Тўғридан-тўғри усулда** даромадлар ва харажатларни, улар фаолиятнинг қайси тури амалга оширилиши билан боғлиқ бўлса, шу турига киритинг. Фаолиятнинг фақат битта аниқ турига киритиш мумкин бўлмаган даромадлар ва харажатларни ҳисобга олишнинг мутаносиб усули орқали фаолият турлари бўйича тақсимланг.

## МИСОЛ. Даромадлар ва харажатларни ҳисобга олишнинг тўғридан-тўғри усули

Корхона маҳсулот ишлаб чиқариб, уни ички бозорда ва экспортга реализация қилади. Ҳисобот даврида товарларни реализация қилишдан тушган тушум ҚҚС ва акциз солиғини ҳисобга олмаганда 5 400 млн сўмни, шу жумладан экспортга – 2 160 млн сўмни ташкил этди. Бошқа даромад олмаган.

Экспортга реализация қилишдан тушган тушумнинг жами даромаддаги улуши – 40% (2 160 / 5 400 x 100).

Товарлар экспортдан олинган даромадлар жами даромадининг 15%идан ошгани сабабли корхона товарларни экспортга реализация қилишдан олинган фойда бўйича солиқнинг ноль даражали ставкасини қўллаш ҳуқуқига эга.

Корхона даромадлар ва харажатларни ҳисобга олишнинг тўғридан-тўғри усулини қўллайди.

Экспортга реализация қилинган товарлар таннархи ва товарлар экспортти билан боғлиқ бўлган бошқа чегириладиган харажатлар 1 310 млн сўмни ташкил этди.

Товарларни ички бозорга ёки экспортга реализация қилишга тўғридан-тўғри киритиб бўлмайдиган умумий чегириладиган харажатлар 260 млн сўмни ташкил этди. Мутаносиб усулда экспортга киритиладиган харажатлар суммасини аниқлаймиз:

260 x 40% = 104 млн сўм, бунда 40% – товарларни экспортга реализация қилишдан тушган тушумнинг реализация қилишдан тушган тушум умумий суммасидаги улуши.

Экспортга тааллуқли чегириладиган харажатларнинг умумий суммаси 1 414 млн сўмни (1 310 + 104) ташкил этади.

Экспорт бўйича фойда – 746 млн сўмга (2 160 – 1 414) ноль даражали ставкада фойда солиғи солинади.

**!** Алоҳида-алоҳида ҳисобга олишнинг қўлланиладиган усулини ҳисоб сийёсатида албатта акс этиринг.



# 1-УСУЛНИ ҚЎЛЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

**?** *Товар қийматини тасдиқловчи барча ҳужжатлар – экспорт декларацияси, СТ-1, инвойс, контракт, юкхат мавжуд.*

*Якка тартибдаги табдиркор товарни 1-усул бўйича расмийлаштира оладими?*

*1-усул бўйича қийматни аниқлаш масалалари қайси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз ифодасини топган? Уларда ЯТТга доир қандай қоидалар бор?*

– Божхона қийматини аниқлаш қоидалари Божхона кодексининг 44-боби, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келинадиган товарларнинг божхона қийматини белгилаш бўйича йўриқнома (АВ томонидан 13.01.1998 йилда 390-сон билан рўйхатдан ўтказилган), Божхона қийматини декларациясини тўлдирish тартиби тўғрисидаги йўриқнома (АВ томонидан 14.03.2017 йилда 2868-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан тартибга солинади.

Мазкур ҳужжатларнинг ҳеч бирида ТИФ иштирокчилари жисмоний ва юридик шахсларга ажратилмаган. Импорт қилувчининг мақомидан қатъи назар, божхона қийматини аниқлаш тартиби бир хилдир.

Нима учун кўпинча 1-усулдан фойдаланилади? Биринчидан, бу барча олиб кириладиган товарлар божхона қийматини ҳисоблашнинг асосий (базавий) усули ҳисобланади. Иккинчидан, қоида тарикасида, бу импорт қилувчи учун анчайин фойдали усулдир.

Агар 1-усул қўлланилса, божхона органи биринчи усул бирор-бир сабабга кўра қўлланила олмайди деб ҳисоблаб, кўпинча декларацияланган божхона

қиймати билан рози бўлмайди. Бу ҳолда божхона органи товарлар божхона қийматига тузатиш киритиш тўғрисида қарор қабул қилади.

## Асосий ҳужжатлар

Декларант маълум қиладиган товарнинг божхона қиймати ва уни аниқлашга тааллуқли тақдим этиладиган маълумотлар тўғри, миқдорий жиҳатдан аниқлаш мумкин бўлган ва ҳужжатлар билан тасдиқланган ахборотга асосланиши керак. Божхона қиймати декларациясида (БҚД) кўрсатилган суммалар – сотиб олувчи ҳақиқатда тўлаган ёки тўлаши лозим бўлган суммалар сифатида ҳужжат асосида тасдиқланган бўлиши шарт.

*Маълумот учун. Тўловлар бевоқифа ёки билвосита Ўзбекистон Республикасининг қонуни ҳужжатлари билан тақиқланмаган ҳар қандай шаклда амалга оширилиши мумкин.*

### Ҳужжат тили билан

**Маълум қилинган товарнинг божхона қийматини тасдиқловчи ҳужжатларнинг рўйхатидан (2868-сон Йўриқномага 3-илова)**

Божхона қиймати 1-усул бўйича аниқланганда декларацияловчи шахс қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- а) мажбурий тартибда:
  - ТСОЯЭАТ томонидан бириктирилган ташқи савдо контрактининг (шартнома, келишув) идентификация рақами;
  - ҳисобварақ-фактура (инвойс);
- б) ташқи савдо контрактда (шартномасида, келишувда) белгиланган битим шартларидан келиб чиқиб, БҚДнинг 304 ва 305-моддаларига асосан маълум қилинган нархга тузатишлар киритиши лозим бўлганда:
  - сугурта ҳужжатлари;
  - товарнинг ташиши ва (ёки) юклаши, тушириши, қайта юклаши, бошқа жойга тўқшиш бўйича шартномаси (транспорт экспедиция шартномаси), товарни ташишига, юклаши, тушириши, қайта юклаши, бошқа жойга тўқшишига ҳисобварақ-фактура (инвойс), банк ҳужжатлари (агар ҳисобварақ-фактура (инвойс) тўланган бўлса), транспорт тарифлари тўғрисидаги ҳужжатлар (маълумотлар) ёки ташиши қийматини аке этирувчи бухгалтерлик ҳужжатлари (агар сотиб олувчи ўзининг транспортда товарни ташишини амалга оширган бўлса);
  - воситачилик хизматларини кўрсатиши тўғрисидаги шартнома (воситачилик шартномаси, брокерлик хизматларини кўрсатиши тўғрисидаги шартнома), воситачилик хизматларини кўрсатиши учун ҳисобварақ-фактура (инвойс), банк тўлов ҳужжатлари;
  - лицензия ва (ёки) муаллифлик келишув, ҳисобварақ-фактура (инвойс), банк тўлов ҳужжатлари, олиб келинаётган (олиб келинган) товарга тааллуқли бўлган интеллектуал мулк объектларидан фойдаланганлик учун тўловлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган бухгалтерлик ва бошқа ҳужжатлар;
  - олиб қирилган товарни кейинчалик қайта сотиши, ундан фойдаланиши ёки уни тасарруф этишидан сотивчига бевоқифа ёки билвосита ўтадиган тушумнинг исталган қисми тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган ҳужжат (шу жумладан, бухгалтерлик) ва маълумотлар;
  - контейнер ва (ёки) кўп марта ишлатиладиган бошқа идишларнинг, ўров-жойлов материалларининг ва ўраш-жойлаш ишларининг, агар мазкур харажатлар сотиб олувчи томонидан амалга оширилган, бироқ олиб кириладиган товар учун амалда тўланган ёки тўланиши лозим бўлган нархга қўшилмаган қиймати тўғрисидаги шартномалар, ҳисобварақлар, банк тўлов ҳужжатлари;
  - сотивчи томонидан сотиб олувчига муайян товар туркуми учун чегирма бериши асосини, уларнинг миқдорини кўрсатувчи маълумотлар;
- в) божхона органлари қўлайдиган хавфни бошқариши тизими томонидан ўрта ёки юқори кўрсаткичга эга хавф даражаси аниқланган ҳолларда:
  - жўнатувчи мамлакат божхона декларацияси. Агар жўнатувчи мамлакат божхона юк декларациясида товарнинг божхона қиймати кўрсатилмаган бўлса ёки ушиб мамлакатнинг қонуни ҳужжатларида товарни олиб чиқишда божхона декларациясини расмийлаштириши назарда тутилмаган бўлса, у ҳолда божхона юк декларацияси ўрнига жўнатувчи мамлакатнинг божхона органлари томонидан тасдиқланган товарнинг қийматини аке этирувчи бошқа ҳужжат тақдим этилиши мумкин;
  - баҳоланаётган товарни етказиб берилишига алоқадор бўлган учинчи шахслар билан контрактлар;
  - баҳоланаётган товарни етказиб берилишига алоқадор бўлган учинчи шахслар учун тўлов ҳисоблари;
  - баҳоланаётган товар реэкспорт қилинаётган ҳолларда, эркин муомалага чиқариши божхона режимида расмийлаштирилган божхона декларацияси.

Божхона қиймати фақат унинг БҚДда кўрсатилган ҳамма элементлари тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган тақдирда, 1-усул билан аниқланиши мумкин, шу жумладан:

- битим нархи – етказиб берилганга тўланган ҳисоб-фактура (инвойс) орқали;
  - битим қийматига қўшимча ҳисобланмалар – тўлов ва товарнинг кузатув ҳужжатлари орқали;
  - ҳисобдан чиқариладиган (чегириладиган) харажатларнинг суммалари – тўлов, товарнинг кузатув ва божхонага доир ҳужжатлар орқали.
- 1-усул ҳужжатлар асосида тасдиқланмаса қўлланилиши мумкин эмас.
- Шунингдек қуйидагилар 1-усулни қўллаш шартли ҳисобланади:
- товарнинг у экспорт қилинган мамлакатдан чегара орқали Ўзбекистонга олиб ўтилиши учун асос бўладиган, қийматга доир баҳолаш ёки унинг ҳисоб-китоб усулини ўз ичига олган ташқи савдо шартномаси (контракт);
  - сотиб олувчидан мана шундай товар ўрнига пуллик ҳисоб-китоблар (тўловлар)нинг қабул қилинган шаклларига мувофиқ тенг келадиган пул суммасини олиш.

## 1-усул ўтмайди

Олиб кириладиган товарнинг битим қиймати бўйича усули (1-усул) олиб кириладиган товарнинг божхона қийматини битим қиймати бўйича, яъни олиб кирилаётган товар божхона чегарасини кесиб ўтаётган пайтда товар учун амалда тўланган ёки тўланиши лозим бўлган, БҚДнинг 304 ва 305-моддалари ҳисобга олинган ҳолда тузатишлар нарх бўйича аниқлашни назарда тутади.

**1-усул қиймат асосига эга бўлмаган ташқи савдо битимларига нисбатан қўлланилиши мумкин эмас.**

**1. Товарнинг бепул етказиб берилиши.**

*Масалан, сотивчи сотиб олувчига намуна сифатида 5 та креслони етказиб берди. Мазкур ҳолатда олди-сотди шартномаси мавжуд эмас.*

**2. Товар консигнация шартларида етказиб берилган.**

*Масалан, етказиб берувчи ўз агентига бир туркум картошка маҳсулотини етказиб берувчи учун қўлайроқ шартларда сотиши учун етказиб беради. Ушбу ҳолатда агент картошка маҳсулотини сотиб олмайди, яъни унинг эгасига айланмайди; картошка маҳсулотини сотишдан кўрилган фойдани етказиб берувчи олади (агентга унинг сотишига доир харажатлари ва иш ҳақи тўланиши ҳисобга олинган ҳолда).*

**3. Товарнинг воситачига сотилмасдан воситачи орқали етказиб берилиши.**

*Масалан, юридик шахс бўлган компания Бельгияда жойлашган ва Тошкентда ўз номидан фаолият юритмайдиган ўз филиалига эга. Улар ўртасидаги товар етказиб берилиши олди-сотди битими тушунчасига қирмайди.*

**4. Товарларнинг бартер ёки компенсацион операциялар доирасида етказиб берилиши, агар товарлар нархи кўрсатилмаган бўлса.**

**5. Товарларнинг ижара шартномалари (лизинг) бўйича етказиб берилиши.** Мазкур ҳолатда товарга мулкчилик қилиш ҳуқуқи ижарага берувчидан ижарага олувчига ўтмайди, мулкдор товардан фойдаланганлик ҳуқуқи учун фойданing бир қисмини олади ва товар муайян вақтдан сўнг унинг эгасига (ижарага берувчига) қайтарилиши мумкин.

**6. Товарларнинг вақтинча олиб кириш мақсадида етказиб берилиши.**

*Масалан, мулкдор (етказиб берувчи) томонидан муайян вақтдан сўнг етказиб берувчига қайтарилиши лозим бўлган машинани истеъмолчига вақтинча олиб кириш шартларида етказиб беради;*

**7. Товарларнинг контрактда назарда тутилган кафолатлар ҳисобига етказиб берилиши.** Етказиб берилган ускуна учун кафолат муддати давомида унинг айрим механизмлари ишдан чиқди. Уларни алмаштириш учун янги деталлар етказиб берилди.



Битимнинг тузилишида, агар баҳоланадиган товарлар қийматини аниқлашга ва бинобарин, битим қийматининг божхона мақсадлари учун қабул қилинишига тўқинлик қиладиган шартлар битим шартлари сифатида илгари сурилган бўлса, бундай ҳолатда **1-усулнинг қўлланилиши мумкин эмас**. Куйидагилар мана шундай шартларга киради:

- сотувчи импорт қилинадиган товарларга нархи сотиб олувчи, шунингдек, муайян миқдорлардаги бошқа турдаги товарларни ҳам товарнинг ҳар бир турига нарх кўрсатилмаган ҳолда сотиб олади деган шарт асосида белгилайди.

*Масалан, 5 000 пул бирлиги суммасидаги чарм буюмлар етказиб берилади. Етказиб берувчи импорт қилувчининг қиймати номаълум бўлган 2 минг жуфт пойабзални ҳам қўшимча равишда сотиб олишни шарт қилиб қўяди;*

- импорт қилинадиган товарларнинг нархи мана шундай товарлар сотиб олувчининг импорт қилинадиган товарларнинг сотувчисига сотадиган бошқа товарларнинг нархи ёки нархларига боғлиқ бўлади.

*Масалан, сотувчи 1 000 пул бирлиги суммасидаги электр товарларини сотади. Сотиб олувчи эса ушбу сотувчига бундай товарларни ишлаб чиқариши учун релени сотади. Бунда сотувчи реленинг нархини – 10 000 пул бирлиги деган шартни қўяди. Шундай қилиб, электр ускуналари нархи реле нархининг «таъсири остида» бўлади;*

- нарх импорт қилинадиган товарларга алоқаси бўлмаган ҳақ тўлаш шакли асосида белгиланади.

*Масалан, импорт қилинадиган товарлар сотувчи тайёр маҳсулотларнинг муайян миқдорини олиш шартини асосида етказиб берадиган ярим тайёр маҳсулотлардан иборат бўлади. Сотувчи 10 000 пул бирлигига ёғоч-тахта сотади. Сотиб олувчи ёғоч-тахтадан жами 1 000 дона столни ишлаб чиқаради. Сотувчи шарт қўяди: сотиб олувчи ёғоч-тахта учун ҳақ тўлаш ҳисобига 500 та столни етказиб беради, столлар қиймати аниқланмаган;*

- олди-сотди шартномаси фақат ушбу сотувчидан сотиб олиш шартини назарда тутилади;

**Маълумот учун.** Бундай шартлар мавжуд бўлганда уларнинг битим қийматига таъсир этган ёки этмаслигини ва бундай таъсирни миқдорий жиҳатдан белгилаш мумкин ёхуд мумкин эмаслигини аниқлаш керак бўлади. Фақатгина шартнинг қийматига таъсири миқдорий жиҳатини белгилаш мумкин бўлса ҳамда маълум қилинган нарх ҳақиқатда тўланган ёки тўланиши лозим бўлган нарх бўлсагина, 1-усулни қўллаш мумкин. Бундай ҳолатда битим шартларини кўриб чиқаришда, шунингдек, умум қабул қилинган тусга эга бўлган ва ТИФнинг барча қатнашчиларига тегишли бўладиган (ёки уларга тақдим этилиши мумкин бўлган) етказиб бериш шартларини ва танланган тусдаги ҳамда умум қабул қилинган етказиб бериш шартларини фарқлай билиш лозим.

Бундан ташқари, **1-усулдан** куйидаги ҳолларда божхона қийматини аниқлаш учун **фойдаланилиши мумкин эмас**, агар:

- сотиб олувчининг баҳоланаётган товардан фойдаланишга ёки уни тасарруф этишга бўлган ҳуқуқларига нисбатан чекловлар мавжуд бўлса, бундан қонун ҳужжатларида белгиланган чекловлар ёхуд товар кайта сотилиши мумкин бўлган географик минтақадаги чекловлар ёки товарнинг қийматига жиддий таъсир кўрсатмайдиган чекловлар мустасно;

- сотиш ёки битимнинг баҳоси таъсирини ҳисобга олиш мумкин бўлмаган шартларга риоя этилишига боғлиқ бўлса (айирбошлаш, контракция, кайта ишлаш шартномалари);

- товарни кейинчалик кайта сотиш, ундан фойдаланиш ёки уни тасарруф этишдан тушган тушумнинг исталган қисми сотувчига бевосита ёки билвосита ўтса ва бунда товарнинг қийматига БКнинг 304-моддасига мувофиқ тегишли тузатишларни киритиш мумкин бўлмаса;

- товарнинг божхона қийматини аниқлашда декларант ёки божхона брокери томонидан фойдаланилган маълумотлар ҳужжатлар билан тасдиқланган бўлмаса;

- битимнинг тарафлари (сотиб олувчи ва сотувчи) бир-бирига ўзаро боғлиқ шахслар бўлса, бундан уларнинг ўзаро боғлиқлиги битимнинг баҳосига таъсир этмаган ҳоллар мустасно, бу эса декларант ёки божхона брокери томонидан исботланиши лозим (БК 306-м.).

## Қўллаш рухсат этилади

Куйида эса ташқи иқтисодий фаолиятда мавжуд бўлган, 1-усулнинг қўлланилишига рухсат этадиган товар етказиб беришнинг умум қабул қилинган шартлари келтирилган:

- товар етказиб беришларнинг барча умум қабул қилинган шартлари (аввало, Инкотермсга киритилган етказиб бериш шартлари);

- битимларни тузиш ва товар етказиб берилишини амалга оширишнинг «экспертни жалб этиш (эксперт ҳулосаси мавжудлиги) шarti билан харид қилиш», «товарни муайян санагача етказиб бериш шarti билан харид қилиш» сингари умум қабул қилинган шартлари, шунингдек, ташқи савдо операциялари учун умумий бўлиб ҳисобланадиган ва битим нархига таъсир қилмайдиган (товар сонига қараб чегирмалар бериш, мазкур сотувчининг «ишончлилиги» ва х.к.) бошқа шартлар.

*Масалан, агар мазкур сотиб олувчига товарни ҳар доим айнан шу сотувчидан сотиб олганлиги учун қийматидан чегирма қилиниши умум қабул қилинган амалиёт деб ҳисобланадиган бўлса, унда бундай чегирма ва бинобарин, битим қиймати эътироф этилиши керак ва 1-усул қўлланилиши лозим;*

- сотиб олувчининг сотувчига ЎзРда тайёрланган техник топшириқлар ёки чизмаларни тақдим этиш;

- сотиб олувчининг у импорт қиладиган товарларнинг сотилишига доир қандайдир ҳаракатларни ўз ҳисобидан (эҳтимол, ҳатто сотувчи билан келишувга кўра) амалга ошириш, масалан, сотиб олувчи ҳақини тўлайдиган реклама бўйича фаолият.

## Қисман чекловлар

Сотиб олувчининг олиб кириладиган товарларга доир ҳуқуқларига нисбатан муайян чекловлар мавжуд бўлганда 1-усул қўлланилмайди. Аммо 1-усулнинг қўлланилишига имкон бермайдиган чекловларни ва ушбу усулнинг қўлланилишига рухсат бериладиган чекловларни аниқ фарқлай билиш зарур.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ сотиб олувчининг баҳоланаётган товарга доир ҳуқуқларига нисбатан чекловлар мавжуд бўлганда ҳам ушбу усулнинг қўлланилишига рухсат бериладиган чекловларнинг фақат 3 та тури белгиланган:

1. ЎзР қонун ҳужжатларида белгиланган чекловлар. Бунда куйидаги тарздаги чекловлар назарда тутилади, масалан, муайян товарни импорт қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар доирасига нисбатан чекловлар ва ҳоказо. Жумладан, ядровий, кимёвий, захарловчи моддалар, гиёҳвандлик моддалари импорти фақат қатъий чекланган доирадаги шахсларга рухсат этилади;

2. Товарлар кайта сотилиши мумкин бўлган географик минтақадаги чекловлар. Бунда товарнинг кайта сотилиши бўйича алоҳида шахслар учун ҳудудий чекловлар назарда тутилади.

*Масалан, сотувчи товарни ЎзР ҳудудига ўзининг сотувчиларига сотади ва барча ҳудудни уларнинг ҳар бирида алоҳида сотувчи билан 10 та қисмга бўлади. Бунда сотувчиларнинг ҳар бири товарни фақат муайян ҳудудда сотиши мумкинлиги тўғрисидаги шарт қўйилади;*

3. Товарнинг қийматига жиддий таъсир кўрсатмайдиган чекловлар. Агар нархга жиддий таъсир кўрсатадиган шарт мавжудлиги ҳақида маълум қилинса, унда 1-усулнинг қўлланилиши фақат бундай шарт натижасида нархнинг миқдорий ўзгариши ҳужжатлар асосида белгиланган ҳолдагина мумкин



бўлади. Агар нархга миқдорий таъсир қилишни белгилаш ва ҳужжатлар асосида тасдиқлаш мумкин бўлмаса, унда божхона қийматини аниқлашнинг бошқа усулларига ўтиш керак бўлади.

*Масалан, сотувчи тиббий жиҳозни сотиб олувчига ундан Ўзбекистонда фақат хайрия мақсадларида фойдаланади деган шарт билан сотади. Бунда 1-усул қўлланилиши мумкин эмас, чунки сотиб олувчининг товардан фойдаланиш ҳуқуқига нисбатан чеклов мавжуд ва бу ҳилдаги шарт битим қийматига таъсир кўрсатиши мумкин. Бундай ҳолда божхона қийматини аниқлашнинг бошқа усуллари қўлланилиши керак.*

Чекловларнинг 1-усулдан фойдаланиш имкониятига таъсир кўрсатиши нуқтан назаридан олганда, бундай чекловларни баҳолашдаги асосий мезон у ёки бу шартнинг битим қийматига таъсир кўрсатиш даражасидир. Чеклов битим нархига жиддий таъсир кўрсатмайдиган ҳолда у 1-усулдан фойдаланишга тўқинлик қилмайди.

Агар сотиб олувчи ҳуқуқига нисбатан яна қандайдир бошқа чекловлар мавжуд бўлса, унда 1-усул қўлланилмайди.

## Битим нархига киритиладиган ва чегириладиган харажатлар

Божхона органи декларант тақдим этган ҳужжатларга биноан битим қийматини қабул қилгандан сўнг товарнинг божхона қийматини ҳисоб-китоб қилиш учун унга қўшимча ҳисобланмалар ёки чегирмаларни белгилаш зарур. Битим қийматининг таркиби товарни етказиб бериш шартларига боғлиқ бўлади.

Фақат БКнинг 304-моддасида белгиланган харажатлар қийматга қўшимчалар сифатида киритилиши мумкин.

**Маълумот учун.** Турли номдаги товарлардан ташкил топган товарларнинг битта туркуми етказиб берилганда, божхона ҳудудига олиб кирилган товарлардан ҳар бирининг божхона қийматига қўшилиши лозим бўлган ҳақда товарларнинг бутун туркуми учун белгиланган харажатларни аниқлаш ҳар бир товар қийматининг товарлар туркумининг қийматига нисбати билан аниқланадиган катталikka мутаносиб равишда, транспорт харажатларини ҳисобга олишда эса, товарларнинг оғирлигига ёхуд ҳажмига мутаносиб равишда амалга оширилади.

Олиб кириладиган товарнинг божхона қийматини аниқлашда битим нархидан БКнинг 305-моддасида белгиланган тўловлар ва харажатлар чиқариб ташланади. Бунда улар божхона ҳудудига олиб кириладиган товар учун ҳақиқатда тўланган ёки тўланиши лозим бўлган нархдан ажратиб олиниши шарт қилинади.

**Маълумот учун.** Битимнинг нархидан чиқариб ташланадиган тўловлар ва харажатлар, бундан ЎзРда тўланадиган божхона тўловлари мустасно, тегишли товарлар, ишлар ва хизматлар (таълиқ, сўзурта қилиш) учун ҳақ тўланганлиги тўғрисида ваколатли шахс томонидан тақдим этилган ҳужжатлар (ҳисобварақ-фактуралар, тўлов топиши-риқномалари, чеклар) асосида аниқланади.

«Божхона» бўлимини махсус мухбиримиз Гулнора АБДУНАЗАРОВА олиб боради.



## БУРДА НОН ТОПИШ МАШАҚҚАТИ

1-бетда кўрсатган бу жасорати инобатга олиниб, унга 1944 йил 10 августда «Жасорат» медали топширилди. Бобом ва бувимнинг 6 нафар қизи ва 1 ўғли бўлган. 1971 йил 15 апрель кунин Нурмуҳаммад бобом 71 ёшида оламдан ўтганлар.

Ана шу авлоднинг вакили, катта бобомнинг учинчи фарзанди Розия Ниёзова момом ҳам урушнинг барча машаққатларини катгалар билан бирга тортган. Отгалари урушга кетганидан кейин онасига ёрдамчи бўлиб, укаларини боқиш мақсадида 13 ёшларида колхоз даласига чиқиб кетмон чопганлар, бир ушоқ нон топиш масъулиятини гарданларига олганлар. Колхозда етиштирилган мева-сабзавотлар вагонларга ортилиб, фронтга юборилган.

Розия момом ёш бўлишига қарамай, куёшининг жазирама кунларида ҳам далада меҳнат қилади. Дала ишларидан сўнг от аравага ортилган сабзавотларни вагонга ортиш учун темир йўл вокзалига боради, яшиқларга жойлаштирилган меваларни вагонга ортишга кўмаклашади. Чунки бир бурда нон топиш ва укаларининг қорнини тўйгазиш масъулияти уни бир дам тин олишга йўл қўймас эди.

Ана шу тарика ҳаётнинг машаққатларини, турмушнинг не-не синовларини бошидан кечирган момом Иккинчи жаҳон урушида фронт ортида туриб фидоийлик кўрсатган. Аскарлар учун фронтга озиқ-овқат, мева-чева ташиб етказган.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 6 майдаги «1941–1945 йилларда фашизмга қарши урушда қатнашганларни ва мамлакат ичкарасида ишлаган меҳнаткашларни Галаба кунини муносабати билан мукофотлаш тўғрисида»ги ПФ-844-сон Фармони билан Розия момомиз «Шухрат» медали билан мукофотланди.

Шунингдек, орадан бир йил ўтиб, 1995 йил 20 апрель кунин Ўзбекистон Республикаси Президентининг «1941–1945 йиллардаги уруш катнашчиларини ва мамлакат ичкарасида ишлаган меҳ-



Розия Ниёзова дорилмомон кунларда.

наткашларнинг фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 50 йиллиги байрами муносабати билан мукофотлаш тўғрисида»ги ПФ-1100-сон Фармонига мувофиқ ҳукуматимиз Розия момомга яна бир бор эътибор қаратиб, у кишини «1941–1945 йиллардаги урушда фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 50 йиллиги» юбилей медали билан тақдирлади.

1996 йил 15 мартда 71 ёшида Розия момом оламдан ўтдилар. У кишини бизларга ўрнатган ўғитлари, кўрсатган меҳрлари ҳамон ёдимда, қалбимда. Ҳозир мен айтиб берган «ожангнома қиссаси»ни ҳам Розия момомдан эшитганман.

Орадан йиллар ўтиб, акам қиз фарзандли бўлди. Унинг исмини Розия деб қўйдилар. 2019 йил 12 май кунин, Рамазон ойида Розия момомнинг туғилган кунларида ўзим ҳам ўғил фарзандли бўлдим. Унга катта бобом хотираси учун Нурмуҳаммад деб исм қўйдим. Келажак авлод тарихда шундай жасоратли бобо ва момолари яшаб ўтганлигини билишлари учун.

**Ғайрат САТТОРОВ,**  
Самарқанд вилояти.

<sup>1</sup>Самарқанд туман давлат архиви фонди 592.

<sup>2</sup>Россия Мудофаа вазирлигининг Марказий архиви. Фонд 33, отись 690155.



Уртадаги Нурмуҳаммад бобо.

## ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ

Мамлакатимизда коронавирус пандемияси туфайли эълон қилинган карантин пайтида аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондириш, барча ҳудудлардаги озиқ-овқат дўконларини зарурий маҳсулотлар билан таъминлаш, нархларнинг ошиб кетиши олдини олиш борасида тизимли ишлар қилинмоқда.

## ХИТОЙДАН ЧОЙ КЕЛТИРИЛДИ

Самарқанд вилояти божхона бошқармаси томонидан олиб борилган ўрганишлар давомида вилоятда озиқ-овқат маҳсулотлари тақчиллиги юзага келмайди. Бугунги кунда вилоятда турли хўжалик юритувчи субъектлар томонидан таъсис этилган 40 та божхона омборлари мавжуд бўлиб, уларнинг 29 таси очик турдаги ва 11 таси ёпиқ турдаги божхона омборларидир.

«Зарафшон» темир йўл станцияси орқали «Samarkand Invest Stroy Servis Torg» божхона омборига Хитой давлатидан 30 тонна куруқ чой келтирилди. Божхона постлари орқали киритилаётган барча турдаги озиқ-овқат ва нооziқ-овқат маҳсулотлари маҳсус лаборатория текширувудан ўтказилган ҳолда божхона расмийлаштирувига қўйилмоқда. Божхоначилар карантин шароитида маҳсус химоя воситалари билан химояланган ҳолда хизмат олиб боришмоқда. Мақсад – аҳолининг хавфсиз ва қафолатли арзон маҳсулотлар билан таъминлашга эришиш.

«Улугбек» ташқи иқтисодий фаолият божхона пости таркибида 3 та божхона пункти фаолият юритади. Божхона пунктлари орқали вилоятда мавжуд темир йўл бекатлари орқали республикамизга кириб келаётган ва олиб чиқилаётган ҳамда транзит тарзда ҳаракатланаётган товарлар устидан божхона назорати олиб борилади. Жорий йилнинг 1-чорагида Россия, Хитой, Қозоғистон давлатларига 19,3 млн АҚШ долларлик маҳсулотлар экспорт қилинган бўлса, Россия, Хитой, Туркия, Эрон, Қозоғистондан 123,6 млн долларлик асбоб-ускуна, автомобиль бутловчи қисмлари, фармацевтика товарлари, металл ва нефть маҳсулотлари импорт қилинди.

Айтиш жоизки, божхона ҳужжатлари расмийлаштируви жараёнининг такомиллаштирилиши, соҳада замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланилиши туфайли илгари бир неча кун



давом этадиган расмийлаштириш ишлари ҳозир бир неча соатда амалга оширилмоқда.

«Diamond-Invest» божхона омборида бугунги кунда 4 хил ҳажмдаги 180 тонна маргарин маҳсулотлари сақланмоқда. Шартнома асосида Екатеринбургдан темир йўл орқали келтириладиган мазкур маҳсулот бугун савдо дўконларини таъминлаш учун старли микдорда. Карантин туфайли буюртмалар онлайн тарзда қабул қилиняпти.

Мазкур божхона омбори раҳбари Фарҳод Хушвақтовнинг айтишича, жорий йилнинг январь ойидан буён Афғонистонга 560 минг АҚШ доллари микдоридидаги лавия, мош каби дуккакли эканлар экспорти амалга оширилган. Шунингдек, омборда логистика маркази орқали Қозоғистондан келтирилган 10 хил турдаги мақарон, 8 хилдаги майнез, қайла, мураббо маҳсулотлари ҳам сақланиб, савдога чиқарилмоқда. Мақсад – қаратин вақтида озиқ-овқат маҳсулотлари танқислигига йўл қўймаслик ва улар узлуксиз етказилишини таъминлашдир.

Шунингдек, «Сайқал тайёрлов» божхона омборида 300 тонна салқин ичимликлар, 50 хил турдаги 5 тонна бўтқа ва 4 тонна ёрма маҳсулотлари захираси мавжуд. Бу маҳсулотлар нафақат вилоятимиз савдо марказлари, балки қўшни Қашқадарё, Жиззах, Сурхондарё ва Хоразм вилоят бозорларига ҳам етказиб берилмоқда.

Самарқанд вилояти  
божхона бошқармаси  
Ахборот хизмати.

**СОЛИК ва ХАБАРЛАРИ**  
Молиявий-иқтисодий,  
ахборот-ҳуқуқий газета

**ТАЪСИСЧИ**  
«Norma» МЧЖ

Газета 2018 йил 12 июнда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган.  
Рўйхатдан ўтиш тартиб рақами 0040.  
Хафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Нашр учун масъул –  
бош муҳаррир ўринбосари,  
масъул котиб  
Нодир Носирович  
АЛИМОВ

Саҳифаловчи  
Наталья  
БАРАНОВА

МАНЗИЛИМИЗ:  
100105, Тошкент ш., Миробод тумани,  
Талимаржон кўч., 1/1  
ТЕЛЕФОН/ФАКС  
Тахририят: (71) 200-00-90;  
E-mail: sbx@norma.uz,  
gazeta@norma.uz, web: norma.uz

Обуна, газеталар, китоблар, газеталарнинг  
электрон версияларини етказиб бериш ва харид  
қилиш масалалари бўйича (71) 200-00-30;  
«Norma» АҚТ бўйича – (71) 200-00-90;  
рекламани жойлаштириш бўйича  
(71) 231-07-91 телефон рақамларига мурожаат  
қилиш мумкин.

Газета ношир – «TOPPRINT» МЧЖнинг компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. Нашр кўрсаткичлари: «СБХ» – 186, «НТВ» – 165. Қўғоғ бичими – А3. Ҳажми – 4 босма табақ. Баҳоиси келишилган нарҳда. Буюртма г-515. Адади 640. Газета 2020 йил 4 май соат 14.00 да топширилди.